O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 14-iyul, chorshanba ● № 29 (680) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

МИЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКАДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ахборот технологияларининг такомиллашиб бориши барча соҳалар қатори миллий журналистикамизнинг ривожланишида катта самара бермоқда. Ахборот олиш ва тарқатиш журналистларнинг асосий вазифаси ҳисобланса, ахборот технологиялари эса бевосита ахборот узатиш, етказиш воситаси сифатида журналистнинг етакчи қуролига айланди.

⇨ 4-бет

ЧИЗГИЛАРДА АКС ЭТГАН ТУЙҒУЛАР

Рассом битта асар яратади, уни минглаб одам келиб кўради. Ҳар ким ўзига ёққанини олади. Биз навқирон авлоднинг тарбиясига масъул эканимизни унутмаслигимиз лозим.

⇨ 7-бет

СОҲИБҚИРОН ДАВРИДА ШАХМАТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ



Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темур ўз фикрини пешлаш учун муттасил 110 катакли шахмат тахтасида ўйнарди. Бу тахтанинг эни ўн бир хона, бўйи ўн хонадан иборат эди.

⇨ 8-бет

ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАДАН БОШЛАНАДИ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг муқаддас ва гўзал юртимиз заминида ҳар томонлама озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўз олдимизга олий мақсад қилиб қўйдик. Бунда айнан "озод" ва "обод" деган тушунчаларга алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас, албатта.

Нега деганда, озодлик ва ободлик халқимиз учун қадим замонлардан бошлаб ўзаро муштарак, энг азиз, энг эзгу қадрият бўлиб келади.

Шу ўринда бир ўйлаб кўрайлик: юрт ободлиги нимадан бошланади?

Авваламбор, шу юртнинг эгаси бўлмиш халқимизнинг, шу заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг пок ниятлари ва мақсадларидан, лўнда қилиб айтганда, кўнгил ободлигидан бошланади.

Шу маънода, истиқлол йилларида мамлакатимизда мана шундай буюк ва олижаноб мақсадга эришиш йўлида олиб борилаётган улкан ишлар она диёримизни ҳар томонлама обод этиш, уни дунёга танитишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Шу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган тариҳий, ҳақиқатан ҳам юз йилларга тенг, Ватанимизни янада обод қилишга қаратилган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида гапирар эканмиз, халқимиз буларнинг барчасининг асосчиси ва бунёдкори деб Президентимизни таърифлаши бежиз эмас.

Ҳар сафар мамлакатимиз раҳбарининг улкан қурилиш майдонларида бўлиши билан боғлиқ лавҳаларни телевидение орқали кузатар эканмиз, бу Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Нукус, Хива, Термиз, Қарши, Шаҳрисабз, Андижон, Наманган, Марғилон, Қўқон ва бошқа бетакрор шаҳарларимизни обод этиш бўладими, Миллий боғ, Мустақиллик майдони, Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи сингари муҳташам кошоналарни бунёд қилиш бўладими, Ҳазрати Имом, Регистон, Шоҳизинда, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд қадамжоларини (бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин) тубдан таъмирлаб, қайтадан муқаддас зиёратгоҳларга айлантириш бўладими, ҳар қайси ана шундай муаззам мажмуа ёки майдон, иншоот ёки иморатларнинг лойиҳаси ва қурилиши бўйича у кишининг жуда чуқур ўйланган ва ҳар томонлама асосланган амалий фикрлар билдирганига кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Айнан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб ном олган 2009 йилда "Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади", деган эзгу ғояни ўзида ифода этадиган махсус давлат дастури ишлаб чиқилди ва у бугунги кунда изчиллик билан ҳаётга жорий қилинмоқда.

Мазкур дастурга биноан аввало қишлоқда яшайдиган аҳолининг тақдири ва келажагини ўйлаб, қишлоқларимизнинг архитектура нуқтаи назаридан режалаштирилишини ташкил этиш, уларда уй-жой ва ижтимоий иншоотлар қурилишини лойиҳалаштириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда ўтган қисқа вақт ичида қишлоқларимизни комплекс ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир неча қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 январдаги қарорига биноан қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда қуриш ва шу негизда қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институти ташкил этилди ва мазкур институт томонидан замонавий индустриал технологияларни қўллаган ҳолда барпо этиладиган кўп хонали уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида пойтахтимизда ва кейинчалик вилоят марказларида ўтказилган кўргазмаларда бу лойиҳалар кенг жамоатчилигимизга намойиш этилди ва тегишли муҳокамалардан ўтказилди.

Таъкидлаш керакки, юртимизда бу лойиҳаларни амалга ошириш механизмлари ҳам изчил равишда шакллантирилди. Бунда қишлоқда якка тартибдаги уй-жойлар ва ижтимоий объектларни тайёр ҳолда топшириш асосида фаолият олиб борадиган, юртимизнинг ҳар бир минтақасида ўз бўлимига эга бўлган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ташкил этилгани ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Албатта, қишлоқларимизга замонавий қиёфа бериш, уларнинг кўркига кўрк қўшиш, қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш йўлидаги бундай ишлар учун аввало маблағ керак. Бунинг учун эса узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини йўлга қўйиш лозим. Шу мақсадда Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги қарори асосида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки ташкил этилди ва ҳозирги вақтда у муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Мана шундай режа асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари томонидан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар ва ижтимоий объектлар қуришнинг эксперименталлойиҳалари учун ер майдонлари ажратилиб, қурилиш ишларини амалга оширишга киришилди.

Маълумки, қишлоқ қиёфаси ва инфратузилмасини тубдан ўзгартириш билан боғлиқ энг муҳим масалалардан бири — бу қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан иборат. Бу борадаги амалий ишлар ҳақида гапирар эканмиз, ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган 30 дан зиёд корхона ташкил этилганини қайд этиш лозим. Айни пайтда ушбу корхоналар зарур қурилиш маҳсулотларини сифатли тайёрлаб, имтиёзли нархларда қурувчиларга ўз вақтида етказиб бермоқда.

Юқорида зикр этилган барча йўналишлар, албатта. ўта муҳим аҳамиятга эга, лекин, ҳамма нарса аввало режадан бошланади, қурилишда эса жамики асосий омиллар орасида ҳал қилувчи ўрин тутадигани бу — лойиҳа эканини тушуниш қийин эмас.

Президентимиз Ислом Каримов шу йил июнь ойида Андижон ва Фарғона вилоятларига ташрифи давомида жойларда қурилган ана шундай дастлабки уй-жойларни кўздан кечириб, юртдошларимиз билан мулоқотда бўлди. Ана шу учрашувларнинг бирида андижонлик янги хонадон соҳибаси Асалхон Расулова ўзининг миннатдорлик туйғусини ифода этиб: "Бундай уйлар ҳар бир қишлоқ аёлининг орзуси эди", дея таъкидлади.

Фарғона вилоятида эса янги уй калитини эндигина қўлига олган кекса қурувчи Нишонбой отанинг: "Очиғини айтсам, шаҳар уйларидан асло қолишмайдиган бундай ҳовли-жойларни тушимизда ҳам кўрмаганмиз", деган сўзлари кўпчилик қишлоқ аҳлининг дилидаги гап, десак, хато бўлмайди.

Дарҳақиқат, Нишонбой ота Бобораҳимов шу суҳбатда айтганидек, илгари бундай иморат қурмоқчи бўлган одам жуда кўп сарсонгарчиликни бошидан кечирарди. Аввало, ер участкаси ажратиш, кейин эса қурилишга рухсат олиш учун ҳафталаб, ойлаб турли кабинетлар эшигида сарғайишга, баъзан кимларгадир "қуруғи"ни чўзишга ҳам тўғри келарди.

3 »

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Яшнаётган воҳа

— Роппа-роса 15 йил аввал зиёратга келгандим,— дейди Саидмурод ота купе ойнасидан ортда қолаётган яшиллик бағридаги далалардан кўзларини узолмай. — Ўн беш йил аввал мен кўрган Термизни танимай қолдим, десам, гапимга ишонмассиз. Айниқса, Ҳаким Термизий зиёратгоҳида амалга оширилган улкан ободончилик ишлари ҳайратимни минг чандон оширди. Шаҳардан то мажмуагача бўлган йўл четларидаги яшиллик ва гулзорлар, аллома мақбарасида олиб борилган таъмирлаш ишлари...

Истиқлолдан айланай, бу ишларнинг ҳаммаси фақат унинг шарофати туфайли бўлаяпти-да, болам. Аввалги келганимда шаҳарда дурустроқ бир мусофирхона ҳам топа олмагандим. Энди-чи, бирбиридан шинам, кўркам меҳмонхоналар бунёд этилибди. Бозорлардаги тўкин-сочинликнинг-ку, таърифига сўз йўқ. Гўё қадим Термиз мозийдан қайтиб келгандек таассурот уйғотади кишида.

Саидмурод ота билан Термиз — Тошкент йўналишидаги поездда танишиб қолдик. Ҳаким Термизий зиёратидан қайтаётган сирдарёлик отахон билан суҳбатимиз дарров қизғин ва самимий тус олди. Саксонни қоралаб қолган бўлсалар-да, ҳали ҳам бардам-тетик, сўзлари бурро Саидмурод ота билан «Работ» бекатигача (Термиздан 2 соатлик йўл) ширингина суҳбат қилиб келдик. Мавзу истиқлол берган улуғ неъматлар, юрт ободлиги, эл-улус фаровонлиги, кечаги ва бугунги кунларимиз ҳақида бўлди.

Манзилимнинг яқинлиги боис Саидмурод отанинг Термизга қилган сафар таассуротларини охиригача эшита олмадим. Бироқ шу суҳбат баҳона Сурхондарёда, айниқса, мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси ҳисобланмиш қадим ва навқирон шаҳар — Термизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини яна бир карра кўз олдимга келтирдим. Дарҳақиқат, сирдарёлик меҳмон эътироф этганларидек, истиқлол шарофати туфайли воҳада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг кўламини тасаввур қилиш учун фақат матбуотда ёзилганлар, суҳбатларда айтилганлар камлик қилади. Минг эшитгандан кўра бир марта кўрмоқ афзал.

Дарвоқе, бугун Сурхондарёни улкан бунёдкорлик майдонига ўхшатиш тўғри бўлади. Унинг бош кенти — Термиздан қўшни давлат билан чегарадош Сариосиёгача, саноат шаҳри Деновдан шимолий дарвоза — Бойсунгача ҳаёт қайнайди. Айниқса, мустақиллик йилларида амалга оширилган энг йирик лойиҳа, XXI аср мўъжизаси бўлмиш Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлининг ишга туширилиши муносабати билан Сурхон воҳасига иккинчи ҳаёт бахш этилгандек бўлди. Юртбошимиз ушбу темир йўлнинг ишга туширилиши муносабати билан бўлган тантанали тадбирда унинг нафақат воҳа, балки мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим стратегик аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтар экан, эндиликда Сурхон заминидаги ер ости ва ер усти бойликларини комплекс ўзлаштириш имконияти пайдо бўлгани туфайли ўнлаб йирик саноат корхоналари бунёд этилиши, бинобарин, Сурхондарё ҳам мамлакатимизнинг саноатлашган ҳудудларидан бирига айланиши шубҳасиз эканини алоҳида таъкидлаганди. Ушбу темир йўлга хизмат қилувчи ижтимоий объектлар, хусусан, замонавий темир йўл вокзаллари, темирйўлчилар учун яратилган замонавий шаҳарчалар, маҳобатли кўприклар, автомобиль йўллари қишлоқ ва шаҳарларнинг жамолини очмоқда. Буни биргина Дарбанд қишлоғи мисолида ҳикоя қилсак бўлади. Аслини олганда бугун бу мўъжаз қишлоққа ташриф буюрган ҳар бир меҳмон кейинги 4-5 йил ичида бу ерда ҳақиқий шаҳарча бунёд этилганига гувоҳ бўлади.

(Давоми 2-бетда.)

ТАҲЛИЛ

ГЛОБАЛ АХБОРИЙ МАКОНДА

менталитет ва қадриятлар

Инсоният ўтган асрда иккита йирик жаҳон урушини бошидан кечирган бўлса ҳам бу асрда илм-фан, санъат, спорт ва маданият кенг ривожланди. Халқлараро дўстлик, миллатлараро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Оммавий ахборот воситаларининг кишилар ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши ва турмуш тарзининг ажралмас қисмига айлангани глобал ахборот оқимларини вужудга келтирди, турли соҳаларда ғоя ва фикрлар алмашинувини тезлаштирди.

Натижада дунёнинг турли минтақаларида сезиларли равишда техника тараққиётига эришилди. Айниқса, ахборот-коммуникация технологиялари изчил ривожланган даврда кишилар компьютер, интернет учун кўпроқ вақт ажрата бошлади. Улар ёрдамида исталган вақт, хоҳлаган макондаги янгиликлардан хабардор бўлиш имконияти юзага келди. Бу давр ичида инсонлар ҳаётида виртуал олам қирралари намоён бўла бошлади. Аммо дунёда глобал ахборот майдонининг вужудга келиши билан халқлар ва давлатлар олдида қатор долзарб муаммолар ҳам пайдо бўлмоқдаки, бу ҳақда жиддий мушоҳада юритиш пайти аллақачон келган.

Чунки бу миллат ва давлатнинг келажаги, унинг истиқболдаги режалари, орзу-умидлари билан узвий боғлиқ масаладир. Глобаллашув таъсирида емирила бошлаган миллий ўзлик тез орада миллат таназзулига сабаб бўлиши мумкин. Миллий ўзликка содиқ, қадрият ва анъаналарга муҳаббат руҳида тарбия топган авлодлар ўз ҳаётини адолат, ҳақиқат мезонлари асосида барпо этади. Уни умуминсоний қарашлар замирида замонга мос тарзда шакллантириб, ривожлантириб боради. Маънан етук, соғлом фикрли авлодларгина мамлакатни бошқариш ва ислоҳ қилишда асосий эътиборни асрий анъана, урф-одат ва қадриятларнинг сақланиб қолишига қарата олади.

Ривожланган давлатлар тажрибаси, улар босиб ўтган тараққиёт йўли замонавий технологиялар, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг таъсирида одамлар онгида муҳаббат, никоҳ, оила, фарзандлар билан боғлиқ тушунчаларнинг ўзгараётгани, бундай шароитда миллатнинг ўзлигини сақлаб қолиши инсоният олдида турган энг долзарб масала эканини кўрсатмоқда.

4 »

Яшнаётган воҳа

(Бошланиши 1-бетда.)

Икки қаватли уйлардан иборат темирйўлчилар турар жойи, энг замонавий услуб ва дизайнда бунёд этилган мактаб, темир йўл хизмати учун кичик мутахассислар тайёрлаб берувчи коллеж, муҳташам темир йўл бекати, депо ва бошқа коммуникация иншоотлари, маъмурий бинолар 10-15 йил бурунги чалахароба қишлоқни замонавий шаҳарчага айлантирди. Айни пайтда бу ерда катта ҳажмдаги қурилиш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, янги темир йўл ёқасидаги Шўроб, Работ, Ажрим, Тангимуш каби қишлоқларда ҳам кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Темир йўл келганидан сўнг воҳада кенг қамровли ер ости қидирув-геология ишлари авж олдирилиб, шу пайтгача қўл урилмаган ер ости бойликларидан мамлакат тараққиёти учун фойдаланиш имконияти туғилди. Айни пайтда Хонжизада йирик тоғ-кон объекти — полиметалл заводи қурилиши жадал олиб борилмоқда. Унинг ишга туширилиши билан мамлакатимизда рангли металл қазиб олиш ва қайта ишлаш бир неча бараварга ортади. Шарғун, Бойсун кўмир кони ҳавзаларини замонавий қайта жиҳозлаш кўмир саноатини янада ривожлантириш, Шерободда цемент заводини барпо этиш лойиҳалари устида иш олиб борилди.- Минг йиллар давомида ўз бағрида Ҳаким Термизий каби ўнлаб алломалар, буюк муҳаддисларни, ислом оламининг беназир намояндаларини етиштирган Термиз, унинг таърифи ҳақида мустақилликкача гапиришга, бир нима дейишга, шу юрт, шу воҳа фарзанди бўлсакда, бир қадар истиҳола қилардик. Шаҳарга хос бўлмаган тор, ўйдим-чуқур кўчалар, файзсиз хиёбонлар ... Зарурат туфайли қишлоқлардан вилоят марказига келган меҳмон кўзлаган иши битса-битмаса тушгача уйга қайтишга мажбур эди. Чунки кечга қолган киши учун бу шаҳарда на меҳмонхона (атиги битта меҳмонхона фақат алоҳида меҳмонларнигина қабул қила оларди), на ортга қайтиш учун улов топиларди.

Бу бор-йўғи бундан йигирма йиллар бурунги Термиз ҳақидаги таассуротлар. Бугунги Термиз эса том маънодаги замонавий шаҳарга айланди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб Юртбошимиз ташаббуси билан Термиз тарихига яна бир назар ташланди. Унинг дунё тамаддуни, илм-фани ва маънавияти тараққиётида тутган ўрни таҳлил этилди. Шундан келиб чиқиб, Термизнинг шуҳратини тиклаш ғояси асосий мақсад қилиб қўйилди. Айниқса, кўҳна шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида бу ерда улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилганини эътироф этиш лозим. Президентимиз раҳнамолигида бунёд этилган бетакрор ва маҳобатли археология музейи дунё олимларининг эътирофича ўзининг қадимшуносликка оид ўта ноёб осори-атиқалари ила дунёнинг манаман деган музейлари билан беллаша олади. Эътиборлиси шундаки, ушбу бино яратилишида миллий ва замонавий архитектура услуби уйғунлаштирилган. Шаҳарнинг қоқ марказида бунёд этилган 3 минг ўринли амфитеатр эса йирик сув ҳавзасига эга истироҳат боғи билан бирлашиб бетакрор архитектура комплексини ташкил этган. Мамлакатнинг энг иссиқ гўшаси ҳисобланган масканда ёзнинг жазирамасида ҳам шаҳарликлар салқинлаши учун барча шарт-

шароитлар яратилган. Боғ атрофида бунёд этилган бир неча теннис кортлари, «Алпомиш» кураш мажмуи термизлик ёш йигит-қизларнин энг севимли масканига айланган.

Ўттиз йиллар муқаддам Термиз педагогика институтини битирган синфдош дўстим телевидение орқали Термиз давлат университети янги биносининг очилиш маросимини томоша қила туриб беихтиёр кўзига ёш олганига гувоҳ бўлгандим.

— Бизга шундай кошоналарда ўқиш насиб этмади-да, — деганди у ҳатто оддий мактабдагидек шароити бўлмаган ушбу университетнинг ўша пайтлардаги шарт-шароитларини кўз олдига келтираркан.

— Бизга бўлмаса, фарзандларимизга насиб этди-ку, — дедим унинг ҳолатини тасаввур қилиб.

Барибир дўстимнинг сабри чидамади. Эртасигаёқ Термизга бориб, университетнинг (ўзи ўқиган собиқ институтнинг) янги биносини томоша қилиб қайтди. Ўша таассуротларини ҳозиргача давраларда гапиради, таърифлайди. Мен эса унинг бу ҳолатини оддий бир ўқитувчининг истиқлол берган улуғ неъматларга шукронаси деб тушунаман.

Дарҳақиқат, синфдошим каби минглаб сурхондарёликларнинг эътирофича, Термиз давлат университети, унинг янги биноси воҳа илм-фанига, маънавиятига қўйилган улкан ҳайкалдир. Унинг бетакрор архитектура ечими, салобати шаҳар кўркига-кўрк бўлиб турибди.

— Яқин йиллар орасида Термиз мамлакатнинг энг гўзал ва обод шаҳарларидан бирига айланиши учун алоҳида дастур асосида иш олиб борилмоқда, — дейди Термиз шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Эшбоев. — Мазкур лойиҳа асосида жорий йилда ҳам жуда катта қурилиш-ободончилик ишлари йўлга қўйилган. Масалан, шаҳардаги Алишер Навоий хиёбонида улкан бунёдкорлик ишлари жадал суръатда кетаяпти. Очиғини айтганда, бу хиёбон мутлақо янги қиёфага эга бўлади. Унинг қоқ марказида муҳташам «Бахт уйи» бунёд этилмоқда. У ўзининг дизайни ва архитектура кўринишига кўра мутлақо ноёб бўлиб, университетнинг янги биноси, банклар мажмуаси ҳамда улуғ мутаффакир Алишер Навоий ҳайкали билан уйғунлашиб, хиёбонда бир бутун ансамбль пайдо бўлади. Ўйлайманки, ушбу объектнинг фойдаланишга топширилиши, айниқса, термизлик ёшларга катта совға бўлади. Қиймати 7 миллиард 335 миллион сўм бўлган 10 минг ўринли замонавий дизайнга эга ўйин-гоҳ (спорт зали билан) келгусида шаҳримиз йигит-қизларига жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун катта имкониятлар беради. Умуман олганда, шаҳарда қурилаётган ёки таъмирланаётган объектларнинг аксарияти болалар спортини ривожлантиришга берилаётган алоҳида эътибор билан ҳамоҳангдир. Жумладан, «Алпомиш» кураш мажмуасининг реконструкцияси, «Дельфин» сузиш ҳавзасининг капитал таъмири, иккинчи сузиш ҳавзасининг капитал таъмири, Олимпия захиралари коллежи ётоқхонасининг қурилиши учун бажарилаётган катта ҳажмдаги ишлар келажак авлодларимиз саломатлигини ўйлаб қилинаётгани билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Шаҳар микёсида олиб борилаётган ободончилик, қурилиш-таъмирлаш ишларининг аксарияти спорт-соғломлаштириш, тиббиёт, халқ таълими ва бошқа ижтимоий соҳа объектларига тўғри келмоқда. Айни пайтда шаҳардаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида, вилоят туғуруқхонаси биносида, вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида капитал-реконструкция ишлари бажарилмоқда. Шунингдек, Термиз педагогика коллежи биноси қурилиши учун 4 миллиард 420 миллион сўмлик иш бажарилиши мўлжалланган бўлса, Термиз мусиқа ва санъат мактабининг капитал реконструкцияси учун 546,6 млн., вилоят ҳарбий хизматга чақирув пунктининг капитал таъмири учун 453,6 млн. сўм қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши мўлжалланган.

Албатта, ҳар қанча ҳаракат қилмайлик жануб дарвозаси бўлмиш Термиз шаҳри ва унинг атрофида амалга оширилаётган ободончилик-яратувчанлик ишларининг барчаси ҳақида тўхталиб ўтишнинг иложи бўлмайди. Негаки, шаҳарда ҳар кун, ҳар ойда бирор янги қурилиш объекти бўй чўзмоқда. Шаҳар бош лойиҳасига кўра нафақат бюджет маблағлари, балки хусусий тадбиркорлар маблағлари ҳисобидан ҳам қурилиш-бунёдкорлик ишларини жадаллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилгани боис уй-жойлар, аҳолига сервис хизмати кўрсатувчи объектлар, супермаркетлар, узоқни кўзлаган тадбиркорлар томонидан амалга оширилаётир.

Даврон ОРИПОВ,
«Hurriat» мухбири,
Гелдимурод САИДМАЛИКОВ
олган суратлар

ЖОНЛИ ИЖРОГА НЕ ЕТСИН

Самарқандда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

Баркамол авлод йилига бағишлаб ўтказилаётган ушбу тадбирда Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ҳамда Жиззах вилоятларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидан ўқувчи-ёшлар иштирок этишди. Унда ёшларнинг истиқлол руҳи билан суғорилган, ватанпарварлик ғоялари сингдирилган, тинчликни, ҳурликни, Ватанни, азиз одамларни, муқаддас тупроқни мадҳ этувчи қўшиқлари янгради.

Кўрик-танловнинг минтақавий босқичида Самарқанд санъат коллежининг «Ўзбекистон ёшлари» гуруҳи томонидан ижро этилган «Ўзбекистон ёшлари» қўшиғи олий ўринга лойиқ топилди. Биринчи ўринни Қашқадарё вилоятидан Ҳамидулла Неъматов, иккита иккинчи ўринни жиззахлик Зулхумор Мамараҳимова ҳамда сурхондарёлик Чори Мамадаминов эгаллади.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг махсус дипломлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
«Hurriyat» мухбири

РИЭЛТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида «Риэлторлик фаолияти: жорий ҳолат ва ривожланиш истиқболлари» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Б.Иминов республикамизда бугун кўчмас мулк бозорида 2516 та воситачилик хизматлари кўрсатувчи ташкилот рўйхатга олинган бўлса-да, риэлторлик фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий база ривожланмагани, бу эса кўчмас мулк бозорида воситачилик хизматларини кўрсатувчи давлат рўйхатидан ўтган турли ташкилий ҳуқуқий шаклдаги ташкилотлар учун ҳам ноқулайликлар келтириб чиқараётганини қайд этди.

Тадбирда давлат аҳамиятига молик ушбу муаммони ҳал этиш учун кўчмас мулк бозори иштирокчилари ўзаро муносабатларининг тизимли асосини яратувчи ва унинг самарали ривожланишини таъминловчи «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш вақти етгани таъкидланди.

Йиғилишда риэлторлик фаолиятини лицензиялаш, риэлторларга малакавий талабларни белгилаш, уларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашни жорий этиш, ҳамда улар фаолиятини назорат қилиш каби давлат томонидан тартибга солиш шаклларини белгилаш, риэлторлик фаолиятининг рухсат этилган турларини аниқлаш, риэлторлик ташкилотлари ҳамда хизматлари буюртмачиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш механизмлари, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий меъёрларини белгилаш каби масалалар муҳокама қилинди.

Иноможон АБДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

АСКАР ОНАЛАРИНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

Наманган шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежида "Аскар оналарини шарафлаймиз" шиори остида тантанали тадбир ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этган мазкур тадбирга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларида намунали хизмат қилаётган наманганлик аскар йигитларнинг оналари таклиф этилди.

Бир пиёла чой устида давом этган суҳбатда вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Азизова, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Д.Усмонова сўзга чиқиб, Ватанига, халқига содиқ фарзандлар тарбиялаб вояга етказган оналарга миннатдорчилик изҳор этишди.

Тадбир давомида ҳарбий қисмларда аскарларга яратилган шарт-шароитлар видеотасмага тушириллган фильм намойиш этилди.

Абдуҳошим МАДАТОВ,
«Hurriyat» мухбири

ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШЛАШДА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАР

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши "Электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усуллари, эътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш масалалари" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказди. Унда ХДП Марказий кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, мутахассислар, ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбирда бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар билан боғлиқ бўлган қонун ижодкорлигини янада фаоллаштириш зарурлиги, депутатлик корпусининг қонунларни қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги ташаббускорлигини фаоллаштириш, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш тўғрисида фикрлар билдирилди. Кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллашни такомиллаштиришга қонунлар билан таъсир ўтказиш самарадорлигини ошириш, парламент депутатларининг ўз сайлов округларида тизимли иш олиб боришини яхшилаш, бу соҳада янги сиёсий технологиялардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди.

Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ

ПАРЛАМЕНТ

Аниқ чора-тадбирлар белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ҳамда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг Тошкент шаҳридаги ижроси масаласи кўриб чиқилди.

Йиғилишда бугунги кунда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш ва демократлаштиришга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилгани ва тобора такомиллаштирилиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Айни вақтда Тошкент шаҳрида 198 номдаги газета, 200 номдаги журнал, 12 та телевидение, 16 та радио, 124 та веб-сайт мавжуд. Уларнинг 50 фоиздан кўпроғи нодавлат ва хусусий нашрлар ҳиссасига тўғри келади. Босма оммавий ахборот воситаларининг бир марталик умумий тиражи ўртача тўрт юз мингга яқин нусхани ташкил этади.

"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги ҳамда "Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан бир қатор меъёрий ҳужжатлар ва дастурлар қабул қилиниб, уларни бажариш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Аммо оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳамон камчилик ва нуқсонлар борлиги кўзга ташланади. Жумладан, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи оммавий ахборот воситалари томонидан 2010 йил бошидан буён «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ҳамда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг бузилиши бўйича даврий нашрларда 25 та, телерадиоканалларда 5 та, «uz» доменидаги веб-сайтларда 18 та қонунбузилиш ҳоллари аниқланган.

Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида малакали кадрлар етишмаслиги, таъсис ҳужжатларининг камчиликлардан холи эмаслиги, газета ва журналларни чоп этиш, кўрсатув ҳамда эшиттиришларни тайёрлаш, эфирга узатиш жараёнларида соҳага оид қонун талабларига етарли даражада риоя этмаслик журналистиканинг ранг-баранг жанрларидан тўлақонли фойдаланиш имконини бермаяпти. Натижада кўплаб нашрларда бир хил жанрлар билан чекланиб қолинаётгани улар савиясининг тушиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда қонунларни ижро этишда муассислар билан таҳририят ўртасида тузилган шартномалардаги мажбуриятлар бажарилмаётгани, айрим таҳририятлар моддий-техника базасининг яхшиланишига етарли эътибор берилмаётгани босма нашрларнинг иқтисодий ҳолатига, ўз навбатида, журналистлар меҳнатини рағбатлантиришга маълум маънода салбий таъсир этаётгани таъкидланади.

Йиғилишда назорат-таҳлил жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди ва муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ислом СУЛТОНОВ,
«Hurriyat» мухбири

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» банки (ОАЖ)

ASAKA BANK

Сизларга қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР.
«САМАРАЛИ -1»
Сақлаш муддати — 1 йил, омонат бўйича йиллик 25 фоиз ҳисобланади. Омонатчининг хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилганда (1 йил)-дан сўнг берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР.
«МАҚСАДЛИ» АҚШ ДОЛЛАРИДА.
Сақлаш муддати — 9 ой, омонат бўйича йиллик 10 фоиз ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар омонат очилганда олдиндан ёки ёпилганда (тўққиз ой)дан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун:
«Асака» банки (ОАЖ)
филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	229-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	234-17-96
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	223-72-47
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

Қурилиш лойиҳадан бошланади

(Бошланиши 1-бетда.)

Шундан сўнг қурувчи ва усталар топиш, уларнинг иш ҳақини топиб бериш, ойлаб боқиш... Бу ёқда эса гоҳ цемент, гоҳ қум, гоҳ ёғоч-тахта, ғишт ва шифер, гоҳ эшик-дераза, бўёқ ва пардозлаш материалларидан тортиб, арзимасдай туюладиган оддий михни ҳам қидириб топиш, топганда ҳам албатта устама ҳақини бериш ва бу ашёларни қурилиш жойигача ташиб келтириш учун транспорт харажатларини кўтариш... Тинкани қуритадиган бундай оворагарчиликлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, уй қуриш ташвиши бошига тушган одам бу муаммоларни миридан-сиригача яхши тасаввур қилади.

Бугунги кунда бу борадаги аҳвол тубдан ўзгармоқда. Янги уй-жойли бўлишни истаган қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёш оилалар уй қурилишида фақат ўз маблағи билан иштирок этади. Яъни, дастлаб уй-жой нархининг 25 фоизи миқдоридаги бошланғич бадал пулини тўлайди ва бундан буёғига қурилиш жараёнини назорат қилиб боради, холос. Қурилиш сарф-харажатларининг аксарият қисми аҳолига "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан бериладиган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қопланади. Энг муҳими, бу уйлар учун тўловларни бирданига эмас, балки 15 йил давомида аста-секин тўлаб бориш тартиби халқимизга катта имтиёз ва енгилликлар бермоқда.

Бундай ҳолат ҳаммамизни хурсанд қилади, кўнглимизни кўтаради, албатта. Айни чоғда, ҳар қандай ишни такомиллаштиришнинг чегараси йўқ, деганларидек, бу борада мавжуд бўлган айрим камчиликларни бартараф этиш, давлатимиз раҳбари ибораси билан айтганда, қилган ишларимиз билан мақтаниш, қўлга киритган ютуқларимизни кўз-кўз қилиш билан чекланиб қолмасдан, буларнинг барчасига танқидий кўз билан қарашимиз даркор. Аҳоли учун бундан ҳам қулай шароит ва имкониятлар яратиш, ҳаётимиз сифатини изчил юксалтириш йўлида яна нималар қилиш керак, деган саволни доимо олдимизга қўйиб яшашимиз зарур.

Президентимиз Фарғона вилоятида бўлган чоғида янги хонадонларнинг эгалари билан суҳбатлашиб, экспериментал тарзда қурилган бу уйларнинг афзал жиҳатларини эътироф этган ҳолда, ушбу лойиҳаларни янада такомиллаштириш юзасидан ўзининг амалий фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдирди.

Ўтган қисқа вақт мобайнида бу муҳим масала Президент ҳузурида бўлиб ўтган йиғилишларда шу ишга бевосита алоқадор мутахассис ва раҳбарлар, архитекторлар, лойиҳачи ва қурувчилар, бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг мутасаддилари иштирокида бир неча бор муҳокама қилиниб, намунавий лойиҳалар ҳар томонлама синчиклаб таҳлил қилинди. Жумладан, Юртбошимиз томонидан мавжуд лойиҳалар табиий омиллар – шамол йўналиши, қуёш нурининг тушиши каби муҳим иморатсозлик талабларини етарлича инобатга олмасдан режалаштирилгани, улар юртимиз ҳудудларининг ўзига хос маҳаллий анъаналари ва табиий иқлим шароитини пухта ўрганмасдан тайёрлангани туфайли айрим хоналар бир-бирига нисбатан ноқулай жойлаштирилгани, шифти бироз паст, болалар хонаси, меҳмонхона, даҳлиз ва зиналар, ваннахоналар тор бўлиб қолганига эътибор қаратилди.

Ёки яна бир мисол: уйга келган ҳар қайси меҳмоннинг авваламбор устки кийим-бошини ечиши, қўлини ювиб, меҳмонхонага кириши учун шароит йўқлиги, бир қарашда майда бўлиб кўринадиган бундай масалаларга лойиҳада олдиндан эътибор берилмагани яққол кўзга ташланади.

Бу камчиликларни бартараф этиш учун лойиҳаларга тегишли ўзгартиришлар киритиш, хусусан, юқорида зикр этилган хоналарни кенгайтириш, деворлар баландлигини қўшимча 20 сантиметрга кўтариш, ошхона ва айвонни ёнма-ён жойлаштириш ва улардан меҳмонхонага бемалол ўтиладиган йўлак қилиш каби кўплаб масалалар бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, дарвозахонада ҳар қайси хонадоннинг шахсий енгил машинаси учун махсус жой қилиш, хавфсизлик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, уйга тақаб қурилган сув иситиш – қозонхона қурилмасини ҳовлининг четига кўчириш тавсия қилинди.

Маълумки, ота-боболаримиз азалдан иморат қурилишида қатъий тартиб-режага амал қилишган, меъмор ва усталаримиз етти ўлчаб бир кесишган, деб таъкидлади Юртбошимиз муҳокама жараёнида. Хусусан, уйдаги дам оладиган, ухлайдиган хоналарнинг кўздан пана бўлишига алоҳида аҳамият беришган. Оиладаги аёлларнинг рўзғор юмушлари билан шуғулланиши, чақалоқни парвариш қилиши, ҳордиқ чиқариши учун, кексалар ва болалар учун ҳам ўзига хос қулайлик яратишга интилишган.

Лойиҳалар муҳокамасида сиртдан қараганда арзимасдек туюладиган, лекин кундалик ҳаётимизда катта аҳамиятга эга бўлган мана шундай масалалар ҳақида сўз юритар экан, Президентимиз янги уй-жойларни шарқона усулда, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, табиий иқлим шароити, шу билан бирга, замонавий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда, баҳаво, ёруғ, кенг ва қулай қилиб барпо этиш зарурлигига алоҳида урғу берди.

Нега деганда, бундай уйларга эга бўлиш учун инсон йиллар давомида пешона тери билан тўплаган пулини сарфлайди. Энг муҳими, бу хонадонларда яхши ният билан неча ўн йиллар давомида бола-чақаси билан эминэркин ҳаёт кечиришни, уни келгуси авлодига мерос қилиб қолдиришни орзу қилади. Одамларнинг ана шундай ишончини унутишга, уни оқламасликка бизнинг асло ҳаққимиз йўқ, деди Юртбошимиз.

Мана шундай узоқни кўзлайдиган, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида биз қишлоқда турмуш маданиятини янги босқичга кўтаришимиз керак.

Президент Ислом Каримов бу муҳим масалага бевосита дахлдор ва жавобгар бўлган барча мутахассис ва мутасаддилар олдига ана шундай вазифани кескин қилиб қўйди.

Таъкидлаш жоизки, бўлиб ўтган муҳокамалар якуни бўйича ҳозирнинг ўзидаёқ амалий ишлар бошлаб юборилди. Аввало, Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ хусусий уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларига жиддий ўзгартиш ва тузатишлар киритилди. Жумладан, қишлоқ жойларда ҳар бир иморат қурувчига шу пайтгача ажратиб келинаётган 4 сотих ўрнига бундан буён 6 сотих ҳажмида ер участкаси ажратиш белгиланди. Бу, ўз навбатида, янги уйларнинг янада кўркам қиёфа ва қулай шароитга эга бўлиши учун қўшимча имкониятлар туғдириб бериши шубҳасиз.

Замон талаби, одамларнинг эҳтиёжи асосида ҳар қандай лойиҳага зарур тузатишлар киритиб, янада такомиллаштириб борилиши табиий ҳол, албатта. Энг муҳими, мамлакатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, бугун барпо этаётган уйларимизни шундай мустаҳкам асосда қурайликки, у нафақат ўзимизга, балки етти пуштимизга ҳам хизмат қилсин, токи фарзандларимиз, невара-чевараларимиз бу уйларда соғ-саломат бўлиб вояга етсин, бахтли, осуда ҳаёт кечирсин.

Барчамиз кўп марта гувоҳ бўлганимиздек, Президентимизнинг ибратли бир одати бор: у киши қаерга бормасин, аввало оддий одамлар билан учрашади, уларнинг қувончу ташвишлари, оилавий шароити, муаммолари билан танишади. Доимо юртдошларимизнинг ҳаёт сифати ва фаровонлигини янада ошириш, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун имкон яратишнинг янги-янги ва энг маъқул ечимларини топиш устида бош қотиради.

Юртбошимизнинг Андижон ва Фарғона вилоятларида бунёд этилган замонавий уй-жойлар билан танишиш асносида чиқарган танқидий хулосалари, қабул қилган қарорлари ва шу асосда янгича ёндашув билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ана шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаб, "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" деган ҳаётий ғояни амалда яққол намоён этиб турибди.

(ЎзА)

НУҚТАИ НАЗАР

Сиёсатга мансублик...

уни ким қандай англайди?

Халқнинг тарихий турмушидан кўринадики, энг оддий кишилар, ҳатто саводи ҳаминқадар саналганлар ҳам сиёсатга озми-кўпми қизиқади. Бу билан ҳар бир фуқаро ўзини сиёсатнинг юксак марраларида кўрмоғи керак, демоқчи эмасмиз. Оиласи, қадрдон жамоаси, касб-кори, эл-улус олдидаги фарзу қарзларини намунали адо этаётган ҳар бир киши ўзини жамиятда кечаётган сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси ҳисоблаши мумкин.

Қувонарлиси, мамлакатимизда фуқароларнинг аксарият қисми истиқлол йилларида сиёсатга мансублик бурчи ва мажбуриятларини тобора чуқур англаб етмоқда. Жаҳонда ва мамлакатимизда рўй берган у ёки бу воқеа ёхуд янгиликни тўғри қабул қилаётган, ўй-фикрлари ниҳоятда тиниқ, теран, мантиққа мос оддий инсонларга тез-тез дуч келаяпмиз. Бунинг аҳамияти катта. Қилар иши, юрар йўлининг пасту баланди, мазмун-моҳиятини дилдан англаган киши кўзлаган манзилига ўзгалардан кўра илдамроқ етади, неларга етишмоқ ёхуд нелардан эса тийилиб турмоқни бошқалардан кўра яхшироқ билади. Ўз илми, салоҳиятидан ён-атрофидагиларни ҳам баҳраманд этади. Бошқача айтганда, билагида кучи бор полвон бирни, илми бор инсон эса мингни енгади.

Давлатимиз раҳбари истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ мамлакат аҳлини давлат ва жамият ишларида фаоллик, сиёсий етуклик, ҳушёрлик ҳамда огоҳликка даъват этиб келади. Бундан кўзланган мақсад фуқароларнинг сиёсий - ҳуқуқий фаоллигини, иқтисодий билим даражасини ошириш йўли билан мамлакат олдида турган устувор вазифаларни муваффақиятли суратда уддалаш, давлатимиз нуфузини юксакларга кўтаришдир.

Масалага шу жиҳатдан ёндашилса, инсон учун сиёсат ҳам маънавият ёки ҳуқуқий онг-савия, истеъмол манбалари сингари ҳаётий муҳим зарурат экани ўз-ўзидан равшанлашади. Газетачиликни олиб кўринг. Одамларнинг сиёсий фаоллиги, онг-савияси, уни ким қандай англамоғи лозимлиги ҳақида чиқишлар йўқ ҳисоб. Тан олиш керакки, кўпчилигимиз бу ҳақда сайловлар ёки бирон ижтимоий-сиёсий воқеа-маросимлар чоғидагина эслаймиз. Бироқ сиёсатни эслаш бир масала, унинг талабларига амал қилиш эса бошқа масала. Таъкидланганидек, муҳим ҳаётий зарурат. Сиёсат — ҳар кимнинг ўз қалб иши ва қалб мулки. Лекин масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор: муайян маънодаги сиёсатга дахлдорлик ватанпарварликдан нишона. Юрагидан Ватани, халқи, давлати ва унинг Йўлбошчиси учун жой ажратган кишилар том маънодаги ватанпарварлар, демакки, давр руҳи, сиёсатини чуқур англаган инсонлардир. Сиёсат нуқул сўзамолликдан иборат бўлмаслиги керак. Ватанпарварлик, биринчидан, халқ эътироф этган, давлат ва халқ сайлаган Юртбоши томонидан чизиб берилган ҳамда кўпчилик маъқуллаган сиёсий меъёрлар ҳамда мезонларга нисбатан дилда чуқур хайрихоҳлик туйғуларини ҳис этмоқлик, иккинчидан, уни амалга ошириш жараёнларида фаоллик кўрсатмоқлик, бу йўлда фидойилик намуналарини намойиш этмоқлик, ўзгаларга ўрнак бўлмоқликдир. Акс ҳолда, ватанпарварликни даъво қилиш бемаънилик бўлади.

Сиёсатга дахлдорлик туйғуси уни англаш ва ўрганишдан бошланади. Ўзбекистон истиқлол йилларида юртимизда Конституцияни ўрганиш машғулотлари жорий этилди. Мамлакат фуқароларининг ҳуқуқий савияси, маданияти, дунёқарашини ошириш томон салмоқли қадамлар ташланди. Буларнинг бари Юртбошимизнинг фармон ва фармойишлари, Олий Мажлис қонунлари ҳамда ҳукумат қарорлари асосида амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг кўпгина нутқ ва маърузалари, асар ва рисолаларидаги ўй-фикрларнинг сиёсий фикрлаш қобилиятини ошириш, уларни давлат ва жамият юмушларига фаол жалб этиш, сиёсатни либераллаштириш масалаларига бағишланади.

Президентимизнинг бу борадаги йўл-йўриқ ва кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этишда эришилган ютуқларни бизнинг Хоразм вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳуқуқий мавзуларда қалам тебратишга масъуллигим боис вилоят Адлия бошқармаси, жиноят ишлари бўйича вилоят суди, ички ишлар, божхона идораларида ҳар ҳафта «Маърифат соати» деб аталадиган машғулотлар ўтаётганига гувоҳман. Ушбу давлат муассасаларида ўтаётган машғулотларда муаллимлик бурчини кўпинча биз, қаламкашлар ҳам адо этамиз. Айни пайтда сиёсий фаоллик кўпгина нуфузли идора ва ташкилотларда юқори эътибор, чуқур қизиқиш асосида, юксак савияда йўлга қўйилганидан ҳам бохабарман. Бу ишларнинг самараси улкан бўлишига ишончим катта.

Замирида беқиёс эзгу ниятлар мужассам бўлган бундай сиёсий онг етуклиги истиқлол туфайли юзага келган синф — жамиятнинг ишончли ҳаракатлантирувчи кучи, бозор муносабатларининг улкан тарғиботчиси деб эътироф этилаётган ўрта синф вакиллари, тадбиркорларни ҳам сергак торттириши керак. Кўриб-кузатаётганларимизга қараганда, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий билимлар, маънавий баркамоллик илмини ўрганиш иши айрим давлат ҳамда ҳуқуқ тартиботи маҳкамалари, бошқа кўпгина нуфузли идора ва ташкилотларда бирмунча намунали йўлга қўйилган. Очиғи, бундай ибратли манзарани бевосита ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки таъминот билан боғлиқ жамоалар, тадбиркорлик субъектларида кўпам кўрмаймиз. Мазкур субъектлар фаолиятига бош-қош бўлаётган ёки бу жабҳаларда тер тўкаётган кишилар, балки ўз ишининг сир-асрорларини беш бармоқдай яхши билишар. Бу — яхши, албатта. Лекин ўз юмушларини юксак сиёсий фаоллик позициясида туриб уддалашнинг натижаси аъло, аҳамияти бениҳоя катта бўлади. Буни чуқур англамоқ даркор.

Яқинда меъморчилик билан шуғулланувчи бир муассасага бориб, жамоа тор кўламли юмушлар билан ўралашиб қолганига гувоҳ бўлдим. Воҳадаги айрим осори-атиқалар бағрида сайёҳларга хизмат кўрсатиш мақсадида вужудга келтирилган бир қатор шохобчалар ушбу бебаҳо ёдгорликларнинг архитектурасига путур етказиши, ушбу йўқотишнинг интиҳоси сайёҳлар оқимига ўз таъсирини ўтказиши ҳаёлдан фаромуш бўлгани, сиёсий заифлик ва узоқни кўра билмаслик натижасидир.

Сиёсий салоҳияти юқори кишилар ҳаётда ишонч билан қадам ташлайдилар. Андиша, иккиланиш ёки талмовсираш улар учун ёт. Ҳаётнинг яна бир ҳақиқати бор: сиёсий саводи ва маънавияти етук бўлган киши раҳбарлик қилаётган жамоада ютуқлар доимо бисёр бўлади, ишлар оқсаб қолмайди.

Абдулла СОБИРОВ,
журналист,
"Олтин қалам"
Миллий мукофоти
совриндори

ОИЛА РИШТАЛАРИ

Турмуш барқарорлиги гарови

Янги оила қураётган ёшлар, уларнинг ота-оналари ва яқинлари тўйдан олдин маслаҳат сўраб, кўпинча маҳалла фуқаролар йиғини, хотин-қизлар ташкилотлари, ФҲДЁ бўлимларига мурожаат қилишлари табиий. Бу ўз ижобий самарасини бермоқда. ФҲДЁ бўлимлари қошидаги "Ёш келин-куёв мактаби", "Оила дорилфунуни" машғулотларида ҳам турмуш тилсимотлари билан боғлиқ кўпгина масалалар ечим топади. Кейинги пайтларда ўтказилаётган бундай мулоқот ва машғулотларда никоҳ шартномаси ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам тез-тез тилга олинмоқда.

Туманимиздаги "Эски Қиёт" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳакимбой Юсубов ҳамда Бибиойша Жуманиёзова янги ҳаёт бўсағасида турган ёшларга никоҳ шартномаси, баъзилар ўйлаётганидек, инсонни ёмон иримлар гирдобига эмас, аксинча, оила равнақи ва барқарорлигининг нурли манзилларига етаклашини тушунтиришдан эринишмайди. Бу ҳақда сўз очилса, улар "Оила муносабатлари, фарзанд тарбияси, хонадоннинг мулкий ва маънавий-ахлоқий салоҳияти, равнақини эъзозлаган, уни ўзининг шахсий ўй-кечинмаларидан устун қўйган одам бундай шартномани ҳамиша қадрлайди", — дейишади.

Узоқни кўзлаган, эзгу мақсадларни ният қилган ҳолда имзоланган никоҳ шартномаси чиндан ҳам тарафларни унда баён этилган бурч ва мажбуриятларни доимо ҳалоллик, собитқадамлик билан уддалашга даъват этиб туради. Ундаги бурч ва мажбуриятларга умр бўйи содиқ бўлиб, бир-бирининг рўзғорда тутган ўрни, роли, ҳуқуқини астойдил ҳурмат қилган жуфтликлар доим бахтиёр турмуш кечиришади. Аҳиллик, баҳамжиҳатлик уларнинг ҳаёт мезонига айланади.

Гап шу ҳақда кетар экан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг никоҳ шартномасига оид 6-бобига киритилган қоидалар хусусида алоҳида тўхталиш лозим. Унда қайд қилинишича, никоҳ шартномаси эр-хотиннинг ушбу даврдаги мулкий келишувига оид ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифода этади.

Кодекснинг 30-моддасига мувофиқ, никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ёки никоҳ даврида тузилиши мумкин. Давлат рўйхатига олингунига қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан кучга киради. Шартнома ёзма шаклда ифодаланади ва нотариал тартибда тасдиқланади.

Никоҳ шартномасининг мазмуни алоҳида аҳамиятга эга ва кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортиши табиий. Кодекснинг 31-моддасида баён этилишича, никоҳ шартномасига кўра эр ва хотин биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган тартибини ўзгартиришга, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақлидир. Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин. Эр ва хотин никоҳ шартномасига ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишга, никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олишга, шунингдек, никоҳ шартномасига эр ва хотиннинг мулкий муносабатларига оид бошқа қоидалар киритишга ҳақли. Никоҳ шартномасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар муайян муддат билан чекланиши ёки муайян шарт-шароитнинг юзага келиши ёхуд келмаслигига боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин. Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқати, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини чеклашни, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий муносабатларни, эр-хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишни, меҳнатга лаёқатсиз таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларига зид келувчи бошқа шартларни назарда тута олмайди.

Масаланинг моҳиятига синчков назар ташлаган одам никоҳ шартномасида кўрсатилган юқоридаги ҳолатлар оилалар равнақи, барқарорлиги, ҳамжиҳатлигига хизмат қилишини англаб етади. Биз — ўзбекистонликлар ор-номусли, ғурурли, андишали халқмиз. Балки шунданми баъзилар оиланинг никоҳ шартномаси шаклидаги ҳуқуқий асосига кўпинча қўл силташади: ота-боболаримиз қилмаган ишни энди биз қиламизми, ёхуд қудам бизга ишонмаганидан шартнома талаб қилаяпти, деган ғализ ўй-фикрларга боришади. Юксак ҳуқуқий онг, маданият сари илдамлаётган, замонавийлик ва анъанавийликни қадрлаётган жамият оиланинг барча фойдали ва истиқболли жиҳатлари, шу жумладан давр синовидан ўтган никоҳ шартномасини ҳам мўътабар санамоғи, ҳаётга изчил татбиқ этмоғи даркор.

Сайёра ОЛЛАБЕРГАНОВА,
Хива тумани ФҲДЁ
бўлими мудираси

АДЛИЯ

Нотариатнинг вазифаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармонида бу соҳа давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Табиийки, Фармоннинг ижросини таъминлашда, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ҳуқуқий тарбияни яхшилаш ишларини амалга оширишда нотариусларга ҳам катта масъулият юкланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз фаолиятида кўпроқ фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш билан шуғулланса, нотариат ҳуқуқ бузилишининг олдини олишга, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг мулкий ва шахсий ҳуқуқларини ўзига хос усуллар билан ҳимоялашга хизмат қилади.

Бу йўналишдаги масалалар Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги қонуни билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 1-моддасида таъкидланганидек, нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш орқали ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат.

Унга низосиз ҳуқуқлар ва фактларни тасдиқлаш, шаҳодатлаш ва келажакда фуқаролик ҳуқуқлари бузилиши эҳтимолининг олдини олиш мақсадида бу ҳуқуқларни қонунда белгиланган тартиб ва шаклда ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлаш вазифаси юклатилган.

Фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар нотариуслар томонидан ҳуқуқий жиҳатдан вақтида расмийлаштирилса, фуқаролар ёки юридик шахслар ўртасида низолар келиб чиқишининг олди олинади ва судларда бундай ишлар анча камаяди ёки ишлар судда кўрилганида, нотариус томонидан тасдиқланган ҳужжат ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Акмал БОЙМАТОВ,
Жиззах шаҳар 2-сон давлат
нотариал идорасининг
нотариуси

ГЛОБАЛ АХБОРИЙ МАКОНДА

менталитет ва қадриятлар

(Бошланиши 1-бетда.)

Яқин бир-икки асрдан буён инсоният ҳаётида муҳим аҳамият касб этаётган оммавий ахборот воситалари инсониятнинг фикрлаш доираси, сиёсий, ижтимоий, маънавий ва маданий қарашларига катта таъсир кўрсатиши оқибатида дунёда "оммавий маданият" вужудга келди. Унинг кенг тарқалиши биринчи навбатда миллат келажагига раҳна солади.

Йиллар ўтгани сайин халқларнинг тили, эътиқоди, миллий ўзлиги, ор-номуси, қадриятлари, асрий анъаналари унутилиб, ватанпарварлик, миллатга фидойилик туйғуларининг асл илдизлари емирила боради. Турлича маданият ва эътиқодларнинг муайян маконда, носоғлом муҳит таъсирида қоришувидан вужудга келган оммавий маданият иймонли инсонга ёт бўлган қарашларни фикри ва савияси тўлиқ шаклланмаган одамлар онгига осонгина сингдиради ва тез орада акс таъсирини кўрсата бошлайди. Биргина кийиниш маданиятининг "ғарблашуви"ни мисол қилиб олайлик. Миллатнинг табиий ва ижтимоий муҳит таъсирида юз йиллар ичида шаклланган либосларини турмуш тарзидан, урфдан сиқиб чиқаргани яқин фурсат ичида биз тасаввур ҳам қилмаган муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Аслида, миллат вакилларининг кийинишдаги "ғарблашуви" ҳеч қандай аҳамият касб этмайдигандек. Аммо айни шу кийиниш масаласи мураккаб демографик муаммоларни вужудга келтиришини ҳам ёддан чиқармаслик зарур. Аёллар либосларидаги "ғарблашув", яъни очиқ сочиқ кийиниш эркаклардаги нозик туйғулар ва эрлик ҳиссиётларини сўндириб юборишини айнан ғарблик мутахассислар таъкидлайди. Замоннинг ривожланиб, яшаш учун шароит ва қулайликларнинг яхшиланиб бораётганига қарамай, кишиларнинг ҳаётда учрайдиган турли қийинчилик ва синовларга чидамсизлиги ортиб бормоқда. Шундай шароитда "ғарблашув"нинг кенгайиши оила қуриш ва насл қолдиришдек табиий эҳтиёжни йўққа чиқармоқда. Эркак ва аёлларнинг бир-бирига бўлган интилиши, нозик (бу ҳақда ошкора айтиб бўлмайди) туйғуларнинг инсоният "қизил китоб"ига кириб бораётганига айнан оммавий маданият ниқобидаги нобоп тасвирлар катта таъсир кўрсатмоқда.

Энг ачинарлиси, айрим ривожланган давлатлардаги оммавий ахборот воситаларида ушбу жиҳатни ёқлаб чиқаётганлар ҳам учраб турибди. Уларнинг баъзилари ўзларини натуралистлар дея эълон қилиб, ҳатто либослардан воз кечишни тарғиб қилишмоқда. Бундайларнинг тафаккури шу қадар аянчли қиёфага кирганки, ўзлари сингари яланғоч ҳис-туйғулар юракларини севишдан, меҳр ва муҳаббатни англашдан бебаҳра қилмоқда. Бунинг оқибати қандай бўлиши хусусида ҳар қандай уйғоқ нигоҳ соҳиблари ўз фикри ва нуқтаи назарига эга.

Оила қуриш ҳамда ундаги барча масъулиятни гарданига олишни истамаётган эркаклар, эр олдида ўзини паст тутиш, бола тарбиялаш, касал бўлса, унинг атрофида парвона бўлиш, умуман, илгари замонда аёл бажарган юмушларни хоҳламай қолаётган аёллар сони кўпайиб бораяпти. Улар кўпроқ диққат-эътиборини иш ва мансабни эгаллашга қаратмоқда. Айни дамда эркак ва аёллар олдида оила ёки ишни танлаш масаласи кўндаланг бўлмоқда. Уйланиш ёхуд турмушга чиқишдан аввал таълим олиш, сўнгра ишга жойлашиб, мансаб пиллапояларидан кўтарилиш, яшаш учун қулай шароитни яратиш улар учун муҳим. Улар аждодлари асрлар давомида асраб-авайлаб келган қадриятларни тўлалигича давом эттирмаяпти. Шу сабабдан ҳам дунё бўйлаб ёлғиз яшовчилар, ажрашиб кетаётганлар ва фарзанд кўришни иложи борича ортга сураётганлар сони кўпаймоқда.

Россия пойтахтида нашр қилинадиган "Хитой" ойлик журналида ёзилишича, ўтган йили Хитойда 1,7 миллион жуфтлик ажрашиш учун ариза топширган. Бу аввалги йилга қараганда 10 фоиз ортиқча кўрсаткич экан. Жуфтликлар, айниқса, ёшлар ажрашишни ўтмишда бўлгани каби қайғули ёки шармандали ҳол деб ҳисобламай, уни оддий вазият сифатида қабул қилмоқда. Кўпчилик ёшлар "идеал романтик муҳаббат" таъсирида турмуш қуриб, оилавий ҳаётда учрайдиган кичик муаммолар, қийинчиликлар олдида ожиз қолмоқдалар," — деб ёзилади нашрда.

Хўш, глобал ахборот майдонида замон талаблари ва янгиликларини инкор этмаган ҳолда қандай қилиб миллий менталитет мусаффолигини асраб қолиш мумкин? Инсоният турмуш тарзининг ўзгаргани ҳисобига айрим қадриятларни замон ва маконда янада тараққий эттириш, керак бўлса, бошқа миллатларнинг энг яхши, мақбул урф-одатларини миллий қонуниятларга мослаб, уни ҳаётга татбиқ этиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим? Бундай саволлар бугунги кунда социологлар, сиёсатшунослар, журналистлар, қўйингки, барча соҳа мутахассисларини бирдек ўйлантирмоқда.

Мураккаб кўриниш ва ечимга эга бўлган информацион хуружларга қарши курашиш, ахборий иммунитетни шакллантириш долзарб масала бўлиб турган ҳозирги шароитда миллий менталитет мусаффолигини сақлаш, уни замон талабларига мослаб янгилаш, ривожлантириш ва келгуси авлодлар учун муносиб тарзда мерос қолдириш учун бир неча йўналишларда амалий ишларни бажариш лозим, деб ўйлаймиз. Биринчи навбатда ахборий маконда ҳаракатланиш, турли маълумотларни "истеъмол" қилиш, улардан мақсадли фойдаланишда муайян ҳуқуқий муҳитни барпо этиш, унинг ижросини қатъий назорат қилиб туриш шарт. Шунда манфур, бузғунчи ғоя ва мафкураларга хизмат қилувчи "зарарланган вирус ташувчилар", яъни ахборотдан ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланувчилар бу маконда қонунлар ижроси қаттиқ назоратда эканидан, жиноятчун қаттиқ жазонинг муқаррар эканидан чўчийди.

Иккинчидан, барча жабҳаларда иқтисодий назоратни кучайтириш керак. Яъни мамлакатга турли йўллар билан кириб келаётган ахборотларни қўллаб-қувватлаётган, бу юртда улар учун иқтисодий қулай шароитларни яратишга уринаётган гуруҳларнинг молиявий-иқтисодий сиёсатларига чек қўйиш зарур. Шунингдек, ота-оналар фарзандлари қўлларидаги пулни қайси мақсадларга сарфлаётганини доимий назорат қилишлари, уларни эҳтиёждан ортиқ маблағ билан таъминламасликлари муҳим. Чунки менталитет софлиги ҳам, анъана ва қадриятларни сақлаш, фақат ушбу омиллар ҳисобига бахтли бўлиш ҳам, аввало, фарзандларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тарбиясига боғлиқ.

Инсон азалдан чексиз хоҳиш ва истаклар билан яшайди. Зарурият ва эҳтиёжлар имкониятга қараб яхшиланиб бораверади. Бола қўлига тушган пулни табиий хулқ-атворидан келиб чиқиб сарфлайди. Шу боис фарзандлар ақлини танигунича моддий жиҳатдан "камтарин" ҳаёт кечириши, аввало, ота-онанинг фойдасига хизмат қилади.

Бугун виртуал ахборий оламда одамлар, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини бир зумда остин-устун қилиб юборишга қодир маълумотлар кутилганидан ҳам кўп. Шу жумладан, йигит-қизларнинг ёши, хулқ-атвори, қизиқишларини ўз таъсирига торта оладиган зарарли ахборотларни хоҳлаганча топиш мумкин. Бундай вазиятда миллат ёшларини уларнинг қизиқишлари, орзу-умидлари, интилишлари, қобилият ва психофизиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда турли тадбир, фестивал, қизиқарли учрашув, кўрик-танлов, мусобақа меҳр-мурувват акцияларига кўпроқ жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Уларнинг ҳар бир босган қадами назорат остида бўлиши керак. Ахборий таъсирларга берилувчан қатлам вакилларини информацион хуружлар, миллий менталитет ва умуминсоний қадриятларга қарши қаратилган ҳаракатларнинг хунук оқибатларидан хабардор қилиб бориш зарур. Шунингдек, ёшларни оҳанрабодек ўзига жалб қилаётган зарарли ахборотлар ўрнини худди шу каби таъсир даражасига эга миллий ахборотлар билан тўлдиришга катта эътибор қаратиш даркор. Ҳар бир инсон қандайдир қобилият билан дунёга келади. Маънавият посбонлари ана шу иқтидорни юзага чиқариш, бунда барча ёшларни, керак бўлса катталарни ҳам жалб қилишга янада кўпроқ киришиши лозим. Шунда ёшларнинг глобал ахборот оқимлари таъсирига тушиши учун вақти ҳам, хоҳиши ҳам, имконияти ҳам қолмайди.

Глобал ахборий тизимлар ҳар қанча тараққий топмасин, давлатлар унинг зарарли жиҳатларига қарши ўзига хос миллий иммун тизимини ишлаб чиқаверади. Гап уни миллат онгига сингиришда. Бунинг учун дунёқараши кенг, миллат ва давлат учун фидойи авлодларни вояга етказиш кифоя. Йўқса жамият қадимда йўқолиб кетган Бобил, Миср ва бошқа "тош қотган" тамаддунлар ҳолига тушаверади.

Халқимиз азалдан фарзандига ўзгача меҳр билан қараган, уни комил инсон қилиб тарбиялашга ҳаракат қилган. Танланган тараққиёт йўли бардавом бўлиши учун тузилажак режаларда минглаб йиллар давомида шаклланган менталитет ва ўтмишнинг энг ёрқин, энг мукаммал, энг зарур бўлган қирралари акс этиб туриши керак. Бу маънавияти ожиз миллат ва элатларни дунё юзидан, инсоният ҳаётидан супуриб ташлашга қодир глобаллашув тўлқинлари, турли ахборот хуружлари, мафкуралараро "жанглар"дан миллатни дадил туриб соғомон ва энг асосийси, қадриятларимизга содиқ ҳолда асраб қолишнинг асосий шартидир.

Санжар РУСТАМОВ,
журналист,
Азиз АКБАРЗОДА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетининг 1-босқич магистранти

ЭЪТИРОФ

Давр билан ҳамқадам

Кейинги йилларда Фарғона вилоятида ОАВ ҳамда уларда меҳнат қилаётган журналистлар фаолиятини рағбатлантиришга етарлича эътибор берилмоқда. Бу хусусда гап кетганда, вилоят ҳокимлиги оммавий ахборот воситалари, хусусан, босма нашрлар ишини жонлантиришга, вилоятнинг барча шаҳар ва туман газеталари таҳририятларини моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур эътиборнинг самараси ўлароқ, қисқа муддат ичида кўплаб амалий ишлар рўёбга чиқди. Таҳририятлар қулай иш шароитига эга бўлган янги бинолар, компьютерлар ва бошқа энг зарур жиҳозлар, автотранспорт воситалари билан таъминланди.

Бунга жавобан матбуотчилар ҳам ўз фаолиятини янгича шаклда давр талабларига мосладилар. Ижодий жамоалар таркиби ёш, иқтидорли қаламкашлар билан мустаҳкамланди. Тезкорлик, талабчанлик ва қатъиятлилик, вилоят ҳаётининг долзарб масалаларини изчиллик билан ёритиш хусусиятлари намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Фарғона вилояти бўлимининг журналистлар иш тажрибаси ва фаоллигини ошириш учун шаҳар ҳамда туман газеталари таҳририятлари фаолиятини обдон ўрганиб, мавжуд камчиликларни ўнглаб олишларига қаратилган иш дастури ҳам яхши самара келтирмоқда. Юқоридаги жиддий ўзгаришлар, аввало, «Фарғона ҳақиқати» газетасида ўз аксини топди. Ижодий жамоанинг фаоллиги ошди. Газетанинг формати ҳам, қиёфаси ҳам, мазмун-моҳияти ҳам тубдан ўзгарди. Илгари матбуот дўконлари пештахталарида сарғайиб ётадиган кичик ҳажмдаги «Фарғона ҳақиқати»ни эндиликда муштарийлар сўраб-суриштирадиган, суйиб ўқийдиган бўлди. Таҳририятнинг жойлардаги жамоатчи мухбирлари билан алоқаси мустаҳкамланди. Нашрнинг адади бир йилдаёқ 1,5 мингтадан 6,5 мингтага кўтарилди. Оддий бир ижодий ходимнинг ойлик даромади, унинг маоши ва бошқа хил рағбатлар ҳамда пул мукофотлари билан қўшиб ҳисобланганда, 500 минг сўмдан зиёдни ташкил этадиган бўлди.

«Фарғона ҳақиқати»нинг кейинги уч-тўрт ойлик сонларини варақлаймиз.

Вилоятда Баркамол авлод йили муносабати билан олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, шаҳарсозлик ва қишлоқларимиз ободлиги билан боғлиқ ибратли воқеалар, ҳаётимизда қизғин кечаётган ислоҳотлар самараси, шунингдек, эътибордан четда қолаётган мавзулар, муаммолар, йўл қўйилаётган айрим сусткашликларга бағишланган хилма-хил мақолаларни ўқиш завқли. «Фарғона ҳақиқати»нинг ҳар бир сонида кўзга ташланиб турган ва кўпчиликка манзур бўлиб бораётган «Бугуннинг мавзуси» рукнидаги долзарб мақолалар алоҳида эътироф ва таҳсинга лойиқ. Масалан, "Асл хомашё қадрига қачон етамиз?" (Баҳодир Носиров) мақоласида вилоят бўйича минг-минглаб қўй ва эчки боқилаётган бир пайтда, фермерлардан ва аҳолидан қимматбаҳо хомашё — жунни сотиб олиб, қайта ишловчи мавсумий цехларни очиш йўлга қўйилмаётгани ҳақида гап боради. Шу билан бирга мазкур масала ижобий ҳал этилган тақдирда, ундан олинадиган фойда ҳам иқтисодий таҳлил қилинади. Ҳошимжон Нуриддиновнинг "Гўшт дўконларида нима гап?" мақоласида эса вилоят бўйича гўшт-ёғ маҳсулотлари нархини пасайтириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар маъқулланган.

Ҳар хил рукнларда берилаётган вилоят, республика ва жаҳон мамлакатлари ҳаётига оид ранг-ранг мақолалар, бадиий ижод намуналари, айниқса, ёш муштарийларнинг жону дилига айланган спорт хабарлари газета нуфузини оширмоқда.

Таҳририят қошида муштарийлар билан жонли мулоқот ўтказиш хонаси мавжуд. Бу ердан катта-кичик муштарийларнинг оёғи узилмайди. Улар орасида турли соҳа ходимларини, талаба-ю олимларни, фермеру тадбиркорлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ишчилар ҳамда зиёлиларни учратасиз. Одамлар ўз ихтиёри билан таҳририятга кела бошладими, демак, ўртада ишонч бор, ўзаро ҳурмат-эҳтиром бор.

Бош муҳаррир Алишер Ибодиновга яқинда вилоят туманларидан бирида рўй берган воқеани сўзлаб бердим: бир туман ҳокими шу туман газетасининг муҳарририни "Қишлоқ ёшлари ишсиз қолишаяпти" деган хабарни чоп этгани учун уришиб, кабинетидан қувиб чиқарибди.

— Шу мавзуни сал мундоқ кенгайтириб, каттароқ мақола қилиб берса, бўлар эди-ку. Бошқа қишлоқларда одамлар меҳнати орқасидан янги корхоналар қураяпти, қўш-қўш машиналар сотиб олишаяпти, — деб куюнибди ҳоким.

— Кейин нима бўлди? — қизиқиб сўради суҳбатдошим.

— Ўша муҳаррир танишим "Hurriyat"боп мавзу, ҳокимимизни тартибга чақириб беринг", деб шикоят билан келиб қолди. Мен унга: "Ишдан ҳайдаб юбормаганига шукур қилиб юравер", — деб жавоб қилдим.

— Тўғри айтибсиз, — фикримни маъқуллади, Алишер. — Халқимизда "Етти ўлчаб бир кес", деган мақол бор. Журналист ҳар бир нарсанинг даставвал жони-жигарини топиб, уни мушоҳада элагидан ўтказгач, минбарга чиққани маъқул...

Ҳа, ҳар бир саъй-ҳаракатимиз, айтаётган ҳар бир сўзимиз нишонга бориб теккандагина, бизни тинглайдилар, ортимиздан эргашадилар. "Фарғона ҳақиқати"нинг бугунги жамоаси ана шу тамойил асосида иш олиб бормоқда.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири

ФИКР

Миллий журналистикада ахборот технологияларининг ўрни

Ҳозирги кунда компьютер ҳаётимизнинг барча соҳаларига жадаллик билан кириб бормоқда. Турли касб эгалари ўз меҳнат фаолиятида ушбу «ақлли машина»дан кенг фойдаланмоқда. Унинг ёрдамида ажойиб мўъжизалар яратилаётгани ҳам оддий воқеа бўлиб қолди.

Ҳар бир кашфиёт одамга, жамиятга келтирадиган фойдаси билан бирга, баъзан салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Аммо ахборот технологиялари тизимидан унумли ва мақсадли фойдаланиш катта имкониятлар эшигини очади. Ахборот-коммуникация технологиялари глобал ахборотлашган жамият барпо этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ахборот технологияларининг жамиятдаги ва инсоният тараққиётидаги ўрни ҳақида фикр билдириб шундай дейди: «Ҳозирги пайтда қайси замонавий соҳа ёки тармоқни олмайлик, бу саноат ёки қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш тизими бўладими, хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий масалалар ёки фан-техника, маданият ривожи бўладими — буларнинг барчасининг тараққиёти негизида, авваламбор, телекоммуникация ва замонавий ахборот технологиялари турганини энг илғор давлатлар ва умуман, дунё тажрибаси мисолида кўриш ва англаш қийин эмас».

Замонавий ахборот технологиялари деганда бевосита компьютер технологияларини, интернет, мультимедиани тушуниш лозим. Оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам ушбу технологияларни яққол кўриш мумкин. Масалан, нашриётда замонавий ахборот технологияларининг ўрнини ҳар бир босма нашрда кўрамиз. Илгари газета ва журналларнинг саҳифаланиши босмахоналарда махсус ҳарф териш дастгоҳлари орқали амалга оширилган бўлса, ҳозир чоп этиладиган мақолаларни таҳрир қилишдан тортиб, макетлаштириш, саҳифалаш каби бутун бошли жараёнлар компьютерда амалга оширилади. Бундан ташқари, ҳар бир нашрнинг ўз электрон манзили, ўз сайтига эга бўлиши натижасида «электрон газета» (on-line нашрлари) тушунчаси юзага келди.

Эндиликда радиоэшиттиришлар қисқа тўлқинларда эфирга чиқишдан ташқари, уни интернет орқали эшитиш имконияти ҳам яратилди. Шунингдек, янги технология шарофати билан радио ижодкорлари билан бевосита танишиш, тингловчиларнинг тўғридан-тўғри эфирдаги бошловчи билан боғланиши эса интерактив журналистикани вужудга келтирди.

Телевидениеда берилаётган янгилик ва хабарлар билан ҳам сайтлар орқали интернетда танишиш имкони вужудга келди. Бугун миллий телеканалларимиз сунъий йўлдошлар орқали чет мамлакатларда намойиш этилмоқда. Бу фойдаланувчиларга ҳар томонлама қулайлик туғдирмоқда.

Ахборот технологияларининг такомиллашиб бориши барча соҳалар қатори миллий журналистикамизнинг ривожланишида катта самара бермоқда. Ахборот олиш ва тарқатиш журналистларнинг асосий вазифаси ҳисобланса, ахборот технологиялари эса бевосита ахборот узатиш, етказиш воситаси сифатида журналистнинг етакчи қуролига айланди.

Ҳозирги кунда таълимнинг ҳар бир босқичида ўқитишни автоматлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Аммо таълим жараёнини автоматлаштириш ҳар бир олий таълим даргоҳларига етиб борган деб бўлмайди. Айниқса, журналистика соҳасида ҳали ҳам анъанавий дарс бериш усулларидан фойдаланилади. Ахборот технологиялари ахборот узатишда журналистнинг асосий воситаси экан, нега ундан самарали фойдаланмаслигимиз керак? Ахир, ҳозир бунга имкониятимиз бор-ку?! Журналистикада назария ва амалиётни бир-биридан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозир дарс жараёнида шу анъанани сақлаган ҳолда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиб, машғулотларни ташкил этиш катта ижобий натижаларга олиб келади. Шундай экан, ўқув жараёнларини автоматлаштириш лозим.

Ахборот-хабар, янгилик журналист фаолиятининг бир бўлагини ташкил этар экан, дарс мобайнида журналистика факультети талабаларига телевизор, DVD каби техникалардан фойдаланиб, кунлик, ҳафталик янгиликларни ўзаро таҳлил қилиб бориш имкониятини яратиш зарур. Бу талабалардаги касбий билим ва кўникмаларни кучайтиришда муҳим ҳисобланади. Қолаверса, бу тайёргарлик жараёни турли хил ахборот хуружига қарши кураша олиш имкониятини беради.

Шунингдек, факультет студияларида талабалар томонидан чиқишлар, кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни дарс мобайнида таҳлил қилиш, журналист бўлиш мақсадида илм олаётган талабаларнинг аудитория олдидаги ҳаяжонини енгишига ёрдам беради.

Чет мамлакатлар матбуотни ўрганаётганда бир вақтнинг ўзида интернет тизими орқали уларнинг эфирини кузатиб бориш, хориждаги сўнгги янгиликлар билан танишиш, ўзбек матбуоти билан таққослаш миллий журналистикамизнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлашда ёрдам беради.

Ахборот технологиялари ривожланиб боргани сари журналистика соҳасига янги фанлар, янги йўналишлар кириб келмоқда. Хусусан, интерактив журналистика, интернет журналистикаси, компьютер дизайни каби фанлар бунинг яққол исботидир. Бу фанлар бирмунча илғор билимларга асосланиб ташкил этилиши кутилган самарани беради.



Дарс вақтини тежаш ҳамда ўтилаётган мавзунинг талабалар томонидан яхши ўзлаштирилишини таъминлаш учун ўқитувчилар дарсга проектор, электрон доскалардан, слайдлардан фойдаланишлари ҳам мақсадга мувофиқ.

Қолаверса, бир дарснинг интернет тизимида ахборот манбаини (сайтини) яратиш ҳам бугун учун зарурат ҳисобланади. Ана шунда ушбу ахборот манбаларидан фақат талабаларгина эмас, балки бошқа ҳамкасблар ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Таъкидлаш жозки, талабалар ўз касбини чуқур ўрганишлари билан бир қаторда, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ҳам мукаммал билишлари керак. Бунинг учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, соҳада фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг ўз устида тобора кўпроқ ишлашига бўлган талабни янада кучайтириш керак.

Эътиқодхон ОТАҚУЛОВА

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ДАРАКЛАР

ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР УЧУН ЯНГИ СОЛИҚ



Хитойда нефть, газ ва бошқа табиий ресурслар савдоси билан шуғулланувчилар учун янги солиқ тури жорий қилинди. "BBC News" хабарида таъкидланишича, бу солиқ тури мамлакатнинг ғарбида жойлашган Синьцзян музофотида синаб кўрилган. Қайд этиш жоизки, солиқдан тушган маблағ маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Хитой режалаштириш бўйича агентлиги вакили Ду Инанинг айтишича, бу ислоҳот мамлакатнинг табиий қазилмаларга бой ғарбий ҳудудларида солиқ йиғимини кўпайтиришга ёрдам беради. Синьцзянда илгари ҳам қазиб олинган нефть ва газга солиқ тўланар эди. Энди эса сотилган маҳсулотга ҳам солиқ тўланади.

Маҳаллий ҳукумат вакиллари давлатнинг солиқ соҳасидаги бу сиёсатини қўллаб-қувватлади. Чунки расмий Пекин томонидан кредит сиёсати мураккаблашгандан сўнг маҳаллий ҳокимиятлар бюджетида камомадлар кўзга ташлана бошлаган эди.

Ҳозир Хитой катта миқдордаги нефть ва газни четдан олишга мажбур бўлмоқда. Айниқса, истеъмол учун зарур нефтнинг учдан бири импорт ҳисобига қопланаяпти.

ЗАРАР БИЛАН ЯКУНЛАДИ

Россиянинг юзта банки 2010 йилнинг дастлабки беш ойини зарар билан якунлади. Бу ҳақда мамлакат банкларини лицензиялаш ва молиявий соғломлаштириш департаменти директори Михаил Суховнинг баёнотига асосланиб, "Интерфакс" хабар тарқатди.

Унинг айтишича, аслида 226 та банк зарар кўрган. Лекин уларнинг 126 таси резерв фондини ташкил этишга зарардан кўра кўпроқ маблағ ўтказган. Барча банклар кўрган зарар миқдори 35 миллиард рублни ташкил этди.

Сухов Россияда йирик банклар сони ошиб бораётганини таъкидлаб ўтди. Ҳозир мамлакатда низом фонди 500 миллион рублдан ошган банклар сони 418 тани, низом фонди 1 миллиард рублдан ортиқ банклар сони эса 300 тани ташкил этади.

Бундан сал олдинроқ оммавий ахборот воситалари мамлакатда фаолият кўрсатаётган 1047 та банкнинг 894 таси жорий йилнинг биринчи чорагини фойда билан якунлагани ҳақидаги хабарни тарқатган эди. Улар қилган фойда 141,05 миллиард рублни ташкил этган.

БИР ФИЛЬМДАН ШУНЧА ДАРОМАД



Голливудлик кинорежиссёр Жеймс Кемерон битта фильмдан катта фойда олиш бўйича рекорд ўрнатди. Кемерон томонидан суратга олиниб, 2009 йилда экранларга чиққан "Аватар" фильми режиссёрга 350 миллион доллар фойда келтирди. Фильмни ишлаш учун олинган ҳақ, фильмдан тушган фойдадан олинган фоизлар, мукофотлар шу маблағ таркибига киради. Солиштириб кўрадиган бўлсак, режиссёр машҳур "Титаник" бадиий фильмидан 97 миллион доллар даромад қилганди.

"Аватар" киночилик тарихида энг кассабоп фильм сифатида тан олинди. Уни кинотеатрлар ва видеобарларга сотиш туфайли 2,5 миллиард доллар пул ишланди. Фильмда Пандора сайёраси аборигенларининг ердан борган мустамлакачиларга қарши кураши ҳақида ҳикоя қилинади.

КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

АҚШ геология хизмати вакилларининг тасдиқлашича, Чилининг шимоли-шарқида 6,2 балл куч билан ер силкинган. Зилзила маркази Атакама саҳросидаги Калима шаҳридан 80 километр шимоли-шарқда жойлашган. Ҳозирча ҳалок бўлганлар ва вайронагарчиликлар ҳақида аниқ хабарлар тарқатилгани йўқ. Ер силкиниши қўшни мамлакатларда ҳам сезилган.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 27 февраль куни мамлакатда 8,8 балл куч билан ер силкинган, кейин эса цунами пайдо бўлган эди. Ўшанда табиий офат туфайли 520 нафар киши ҳаётдан кўз юмганди. Мамлакат иқтисоди эса 30 миллиард доллар зарар кўрганди.

СУД РАИСИГА СУИҚАСД

Махачқалада Доғистоннинг Унсункўл тумани федерал суди раиси ўлдириб кетилди. Республика ички ишлар вазирлиги вакилининг қайд этишича, 59 ёшли Магомед Хасбулатовнинг мурдаси ўзининг ГАЗ-3110 машинасидан топилган. Текшириб кўрилганда, у боши ва кўкрагига отилган ўқдан ҳалок бўлгани аниқланди. Дастлабки маълумотларга қараганда, суд раиси ТТ тўппончасидан отилган.

Доғистонда ҳуқуқ-тартибот вакилларига ҳужум уюштириш авжига чиқиб бормоқда. Жорий йилнинг 7 июнидан 8 июнга ўтар кечаси шу туманлик яна бир судья Абдурахмон Гамзатов ўлдириб кетилганди. Ички ишлар ходимлари ҳозир икки жиноятнинг бир-бирига боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини ўрганишмоқда.

ЖИРКАНЧ ХУНРЕЗЛИК

Уганда пойтахти Кампала шаҳрида бир вақтда иккита террорчилик акти амалга оширилди. Натижада 64 нафар тинч аҳоли ҳаётдан кўз юмди. Ҳалок бўлганлар орасида бир нафар АҚШ фуқароси ҳам бор. Жароҳатланганлар сони аниқ эмас. Аммо яқин орадаги касалхонага 12 нафар жароҳатланган одамлар олиб келинган. Улар орасида ҳам 3 нафар АҚШ фуқароси бор.

Воқеа гувоҳларининг айтишича, аҳоли футбол бўйича жаҳон чемпионати финалини кўриш учун йиғилган пайтда ресторан ва спортбарда портлаш содир бўлган.

Кампала полицияси раҳбарининг тахминича, бу хунрезликни "Ал-Қоида" террорчилик гуруҳига яқин бўлган "Ал-Сабах" жангарилари амалга оширган.

ЖАНГАРИЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Колумбиялик ҳарбийлар куни кеча мамлакат шимолидаги Боливар музофотида Колумбия инқилобий ҳарбий кучлари — КИҲК-нинг 12 нафар жангарисини йўқ қилишди. Бу ҳақда мамлакат президенти Альвара Урибе Богота аэропортининг янги юк терминалининг очилиш маросимидаги нутқида айтиб ўтди.

Урибенинг қайд этишича, мамлакат ҲДФ ва ҲҲФ аскарларининг биргаликдаги амалиёти туфайли 12 нафар жангари йўқ қилинган, 6 нафари эса қўлга олинган. Ҳалок бўлганлардан бири Боливар музофотидаги жангарилар гуруҳи раҳбари Хайме Мануэль Лара Эрнандес экани аниқланди.

Колумбия инқилобий ҳарбий кучлари 1964 йили Колумбия коммунистик партиясининг ҳарбий қаноти сифатида ташкил топган. Шундан буён улар ҳукумат билан "Янги Колумбия—ижтимоий ҳақиқат ва тенглик жамияти" қуриш учун курашиб келади. Урибенинг саккиз йиллик президентлик даврида улар сони 16 минг нафардан 8 минг нафарга қисқарди. АҚШ ва Европа Иттифоқи КИҲКни террорчи ташкилотлар рўйхатига киритган.

БОЛАЛАРГА ВИЗА БЕРМАДИ

Буюк Британия ҳукумати Украина ва Беларуснинг Чернобиль АЭСидан зарар кўрган ҳудудларида яшайдиган 17 нафар боланинг 10 нафарига ёзги таътилни Англияда ўтказишларига рухсат бермади. Бу ҳақда "The Independent" газетасида мақола босилиб чиқди.

Газета мухбирининг ёзишича, Бирлашган Қироллик ички ишлар вазирлигига қарашли чегара хизмати болаларга виза беришдан бош тортган. Соғломлаштириш сафарини Британиянинг "Чернобиль болаларининг ҳаёт йўли" инсонпарварлик ташкилоти уюштирган эди. "Тиббиёт ва Чернобиль" инсонпарварлик ташкилоти жўнатаётган болаларнинг саккиз нафарига ҳам виза берилмаган. Бу ташкилот ўтган йили минглаб шундай болаларни Буюк Британияга соғломлаштиришга жўнатган эди.

Чегара хизмати вакилларининг айтишича, болалар оилаларда дам олади. Шундай экан, аввал болаларни қабул қиладиган оилаларнинг иқтисодий аҳволини ўрганиш лозим.

ПАРЛАМЕНТ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ

AFP хабарига қараганда, Японияда мамлакат парламентининг юқори палатасига сайлов бўлиб ўтди. Дастлабки сўров натижаларига қараганда, ҳукумат тепасидаги Демократик партия вакиллари юқори палатадаги 242 ўриннинг 112 тасини эгаллаши мумкин, холос. Улар билан мухолифатда бўлган Янги халқ партияси бор-йўғи 5 та ўрин олиши мумкин. Хуллас, бош вазир Наото Кан партияси коалиция тузиш учун янги шериклар топиши керак.

Япония қонунларига биноан юқори палатага сайловда Демократик партия мағлубиятга учрасада, Наото Кан ҳукуматни ташкил этиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Чунки унинг тарафдорлари парламентнинг қуйи палатаси — Вакиллар палатасида кўпчиликни ташкил этади.

Япония телевидениеси хабарига асосланиб, РИА Новости тарқатган хабарда айтилишича, бош вазир юқори палатага сайловлар натижаси қандай бўлишидан қатъи назар ўз лавозимидан кетмоқчи эмас ва ўзи бошлаган ислоҳотларни давом эттирмоқчи.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

МАТБУОТ

Истиқлол шарофати билан жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнимиз тобора мустаҳкамланиб бораётгани сир эмас. Бугун дунёнинг ривожланган давлатлари билан алоқалар йўлга қўйилди. Айни пайтда турли соҳаларда бўлгани каби оммавий ахборот воситалари ўртасида ахборот алмашинувида ҳам силжишлар кузатилмоқда.

Олий ўқув юртларининг ўзаро ҳамкорлик алоқалари боис, ёшларимиз АҚШ, Германия, Франция, Англия, Жанубий Корея, Хитой каби тараққий этган давлатларда таълим олиб қайтмоқда. Айни пайтда, турли мамлакатларнинг матбуоти ўрганилмоқда. Бизнинг Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида ҳам талабалар хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари ҳақида илмий ишлар қилмоқда. Германияда чиқадиган "Шпигел", Англиянинг машҳур "Экономист" журналлари ҳамда Америкада босиладиган "Бостон глоб" газеталари ва бошқа нашрлар ҳақидаги тадқиқотлар шулар жумласидандир.

"ПУСАН ИЛБО"

КОРЕЯ ТАРИХИДА БУРИЛИШ ЯСАГАН ГАЗЕТА

Биламизки, Жанубий Корея бир неча минг йиллик тарихга эга. Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигининг янги босқичга кўтарилгани урф-одатлари бир-бирига ўхшаш икки халқни янада яқинлаштирди. Эндиликда икки мамлакат матбуоти ҳам Ўзбекистон-Корея ўртасидаги кенг алоқалар хусусида тез-тез ўз саҳифаларида ёритмоқда. Демак, бугун жараёнларнинг ўзи ҳамкорликнинг муҳим омилларини ўрганишни талаб этади. Корея матбуотининг тобора ривожланиб, дунёга донг таратаётгани ҳам Корея журналистикасининг ўтмиши ва бугунги куни хусусида тушунча ҳосил қилиш долзарб масалалардан бири эканини англатади.

Шу сабабдан Корея матбуотининг намунаси сифатида ўз овозига эга, Жанубий Кореянинг Пусан, Улсан ва Кёнгнам шаҳарлари газетхонларининг севимли нашри — "Пусан илбо" ("Пусан янгиликлари") газетаси ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз.

"Пусан илбо" олтмиш икки йилдан бери газетхонлар билан бирга. У ҳамиша корейс матбуотида ўз ўрнига эга бўлган, кучли диктатура остида ҳам ўз сўзини айта олган ва ҳар қачон халқ тарафида бўлган газетадир.

Сарлавҳалардаги ўзгачалик, ўз-ўзини танқид қилиш каби жиҳатлар газета муваффақиятини таъминлайди. "Пусан илбо"нинг бошқа газеталарга ўхшамаган томони — куннинг иккинчи ярмида чиқади ва муштарийларини бошқа газеталар улгурмаган, куннинг биринчи ярмига тегишли янгиликлардан хабардор қилади.

"Пусан илбо" замонавий шаҳар газетаси. Илк сони 1946 йил 10 сентябрда Пак Су-Ҳёнг бошчилигида чиққан. Мақолалар тўртбурчак таблицалар ичига жойлаштирилиб ихчамлаштирилган усулда, тўрт варақка босилган. Бу кўриниш 1949 йил сентябрдан — газета Ким Жи-Те қўлига ўтгач, ўзгарди. Энди 2 варақ бирлаштирилиб яхлит бир нашр кўринишида катталашди. Октябрда "Тежунг шинмун" («Тежунг газетаси») ни ютиб юборди. 6,25 уруши (1950 йил 25 июнь – Жанубий ва Шимолий Корея ўртасида бошланган уруш шундай номланган) кетаётганда газета чоп этиладиган бино бутун жиҳозлари билан Америка ҳарбийлари ихтиёрига ўтиб, газета фаолияти тўхтатилади.

1953 йилнинг январида эса қайта иш бошлайди ҳамда 1959 йил апрелда Кореянинг энг биринчи савдо-сотиққа ихтисослашган Пусан маданият радиоси билан қўшилиб, фаолияти вақтли нашр ва FM тўлқинлари каби иккиёқлама олиб бориладиган бўлди.

1963 йил майда "Пусан илбо" газетаси ва Пусан маданият радиосининг барча акциялари Чонг Су Жанг жамиятининг расмий фондига топширилади. 1980 йил декабрда оммавий ахборот воситаларини қисқартириш ҳаракати пайтида "Кукче шинмун"("Халқаро газета») билан бирлашиб Пусаннинг ягона ҳар кунги нашрига айланади. Аммо 1989 йили "Кукче шинмун" қайтадан ажралиб чиққач, ўртада рақобат юзага келади.

"Пусан илбо" ўз фаолияти давомида бошидан ўтказган қора кунлар ҳамда "Пусан илбо" саҳифаларида босилган мақолалардан кейинги ғурбатларни унутиб бўлмайди. Оддий тўрт варақка босилган илк сони тез орада ихчамлаштирилган икки саҳифали форматга ўтказилган, варақ етишмаслигидан қайта ишланган қоғоз ўрамидан фойдаланилган даврлар ҳам бўлган. 1949 йил май ойида газета саҳифаларининг кўриниши халқаро стандарт форматига ўтди ва ўша йил октябрда "Тежунг шинмун" газетасини ютиб юбориб, мавқеини янада юқорироққа кўтариб олгунга қадар кўп қийинчиликлар бўлди.

1953 йил сентябрда 6 саҳифали "Пусан илбо" икки маҳал — эрталаб ва кечқурун нашр қилинарди.

1960 йил 12 апрелда "Пусан илбо"нинг 1-саҳифасида босилган расм тарих чарҳпалагини айлантириб юборди. Бу "газ балони билан кўзига урилгач, ўлим билан юзлашган аскар йигит – Ким Жу Ёлнинг сув юзасига қалқиб чиққан мурдаси сурати эди. Ли Сингман диктаторлигига қарши кўтарилган қўзғолонни бостириш чоғида қилинган бу ваҳшийликдан бутун халқ ларзага тушди. Бу аянчли воқеадан жаҳли чиққан ҳарбийлар оёққа турди. Қўзғолонда ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам қатнашди. Норозиликлар кучайиб давлат тўнтарилиши (1960 йил 19 апрель воқеаси) бўлиб ўтди ва Либерал партиянинг сиёсий ҳокимлиги тугатилди. АР – "Ассошейтед пресс" ахборот агентлиги дунёга узатган бу расм тарихда из қолдирган шов-шувли воқеалар қаторига кирди.

1963 йил февралда бош офиси янгидан барпо этилган Чунг-Анг Донг даҳасидаги биносига кўчиб ўтиб, Германияда ишлаб чиқарилган, юқори тезликда газета босиб чиқарувчи машинадан фойдалана бошлади.

1990 йили таҳририят мустақилликка эришгач, ривожланиш қўлами янада кенгайди. 1992 йилдан бошқа шаҳарлар – Вашингтон, Туркия, Париж газеталарига махсус мухбирлар жўнатилди. Хориж газеталари билан алоқа ўрнатилиб мақола алмашинуви йўлга қўйилди.

2004 йил апрелида рақамли ахборот технологиялари асрига мослашилди, иероглиф ҳангил-корейс ёзуви билан алмаштирилиб, услуб ва мақолаларнинг жойлашиш ҳолати ўзгарди. Декабрдан газета 48 саҳифада, шундан 36 саҳифаси рангли нашр қилинадиган бўлди.

Матбуотда таҳририят мустақиллиги, цензурадан холи бўлиши жуда зарур. Тан олиш керакки, "Таҳририят мустақиллиги" ҳаракатлари жараёнида "Пусан илбо" газетхонлар ёнини олган энг биринчи газетадир.

"Пусан илбо" фаолияти бугунги кунга келиб ҳам бир дам сустлашгани йўқ. Газета ҳафтада 6 кун, душанбадан жумагача 28 саҳифа ва шанба кунги сони 24 саҳифа кўринишида чиқади.

Газета Пусан, Улсан ва Кёнгнам каби уч шаҳар нашри бўлгани учун ҳам давлат аҳамиятига молик ҳар бир масалага ўз фикрини билдириши шарт. Газетхонлар талаби шундай. Шунинг учун ҳам газета саҳифаларида кўпинча жиддий сиёсий-иқтисодий, ижтимоий масалалар кўтарилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Мазкур газетада жанрлар хилма-хиллигини кузатиш мумкин. Асосий қисмни янгиликлар эгалласа-да, таҳлил, шарҳ, саёҳатнома, ҳикоя, тақриз, шеър каби бадиий жанрларга ҳам кўп мурожаат қилинади. Газетанинг "Китоб дунёси" рукни остида янги чиққан нашрларга тақриз, "Ҳамжиҳатликда" рукнида ҳаёт синовларига дуч келиб, бир қарорга келишда қийналаётганларга маслаҳат, "Мултфильм" рукни остида эса кичик расмли ҳикоялар, "Инсон" рукни остида яхши инсонлар ёди, "Жамият" рукнида ҳаёт ҳақида жиддий фикрлар, "Кўнгилхуш ҳикоя" рукни остида саёҳат таассуротлари, шеърлар чоп этилади.

Янгиликни ёритишда ҳам ўзгача ёндашув ва албатта, янгилик дейишга арзигулик нарсани ёзишга ҳаракат қилинади. Мисол учун, газетанинг 2010 йил 1 январь сонида Ли Чонг Жонгнинг "Пусанда шундай бар бор!" сарлавҳали материали босилган. Мақолада шундай дейилади:

"Одатда бар — маст қиладиган ичимликлар ичиладиган жой. Аммо яқинда Пусанда ароқ эмас, сув сотиладиган бар очилди. Номи янгича бўлгани учунми, қизиқиши кучли меҳмонларнинг қадами тингани йўқ.

Сув-бар деганлари махсус сув сотадиган, ўтириб сув ичса бўладиган жой экан. У ерда карбонат кислотали сув, кислородга тўйдирилган сув, денгиз суви каби 90 хил сув сотилади. Нархи: бир стакани 1000 вондан 16000 вонгача. Энг қиммат сув — мамлакат ичида ишлаб чиқарилган дарахт суви аралашмасидан тайёрланганини экан. Асосан, сувлар Европа қитъасининг турли шаҳарларидан келтирилган. Айни кунларда АҚШ президенти Обама ичадиган витаминли сув харидоргирлиги жиҳатидан биринчи ўринда турибди.

Ранг-баранг сув топса бўладиган бу барда қизиқ ишлар рўй бермоқда. Куч бағишлайдиган сувни талаб қилаётганлар кўп бўлиб, ҳар келганда ҳар хил сув ичадиган меҳмонлар ҳам бор".

Пусанда ўқиб юрган кезларим Корея ҳақидаги фикрларим жамланган мақоламни "Пусан илбо" газетасига бериш истаги туғилди. Телефон орқали О Гима исмли "Пусан илбо" журналисти билан танишдим. У мақоламни сешанба куни интернет орқали олгач, жума куни сонида чиқишини айтди. Фақат икки жойигина таҳрир қилинган. Кейинроқ Ўзбекистонда ўқиётган корейс талабасининг мамлакатимиз ҳақидаги мулоҳазалари акс этган суҳбатни ёзиб, "Пусан илбо"га жўнатганимда, мақолам учун "Газетхонлар билан биргаликда" номли янги рукн ташкил этилди. Бу рукн турли соҳа эгалари, тўғрироғи, газетхонлар учун минбар. Унда газета орқали айтмоқчи бўлган фикрлар ўрин олади.

Матбуот – жамиятга кўзгу тутиб, халқ вакил қилиб сайлаганлар устидан назорат қилиш вазифасини бўйнига олади. Бунда жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисанинг аниқ, холис ёритилиши муҳимдир.

Матбуот, албатта, ҳар бир воқеа-ҳодисага холис ва танқидий ёндаша олиши, халқ қарашларини ўстириши, одамларнинг фикр доирасини кенгайтириши керак. Газетхонлар ҳам матбуот бўйнига олган вазифаларни назорат қилиб, оммавий ахборот воситаларида чиқишлари орқали фаол қатнашиши зарурдир.

"Пусан илбо" фаолиятида айнан ана шу жиҳатларни кўриш мумкин.

Корея матбуотининг узоқ йиллик ўтмиши бор. Бу тарих XIX аср Чосон сулоласининг охирги йилларидан бошланади. Бу даврда халқ орасида шунчаки эркин бир матбуот пайдо бўлди-ю, бошқалар тажрибасига суянилмай, ён-атрофга қарамасдан қилинган ушбу газетчилик фаолияти муваффақиятсизликка юз тутди.

Кейинроқ эса, энг биринчи халқ газетаси "Тонгриб шинмун" («Озодлик газетаси») ташкил топди. Газета ташқи кўринишиданоқ озодлик ғояларини юксак кўтарган, маърифат ва миллийликни ёйган, халқ орасида мустамлакачиларга қарши ғалаён уйғота олган замонавий газета эди. Кейинроқ пайдо бўлган "Чосон илбо"("Корея янгиликлари"), "Тонг-а илбо" ("Шарқий Осиё янгиликлари"), "Меил шинбо" ("Ҳар куни") каби оддий халқ орасидаги газеталар Кореянинг энг биринчи миллий матбуоти сифатида эътироф этилди.

Бугун ўз йўли ва қарашларига эга Жанубий Корея матбуотига ҳавас қилса арзийди. Бу фақат технологиялар борасида эмас, балки дунёда рўй бераётган сиёсий ўзгаришларга холис фикр билдириш, тезкорлик, аниқлик каби ўзига хос жиҳатларда ҳам кузатилади.

Кореяда етакчи газеталар ва етакчиликка интилаётган нашрлар талайгина. Улар қаторига "Чосон илбо" – "Корея янгиликлари" газетаси, "Чунг-анг илбо" — "Марказий янгиликлар" газетаси, "Тонг-а илбо" — "Шарқий Осиё янгиликлари" газетаси қабиларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, етакчи шаҳар газеталари ҳам борки, улар бугун мамлакатда катта мавқега эга.

Рахшона ТОШПЎЛАТОВА

НИГОҲ

АЙТГАНЧА

Болангизни олқишланг

Мурғак гўдакларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишлари учун уларнинг руҳий олами ҳам соғлом бўлиши керак. Эътибор берсангиз, болакайлар атроф-муҳитни синчковлик билан кузатиб, ё отаси, ё онасига тақлид қила бошлашади. Катталарнинг бир-бирига қилаётган муомалалари, ўзларини тутишларини кўриб, уларга баҳо беришади. Ўзлари яхши деб билган кишиларга нисбатан қалбларида ҳавас уйғониши ҳам табиий. Бир-бирларини ўзаро ҳурмат қилувчи ахлоқий етук ота-оналар тарбиясидаги болаларнинг руҳияти ҳам соғлом бўлади. Уларда ўзларига нисбатан ишонч, мустақил фикрлаш шакллана бошлайди.

Оиладаги катталарнинг бир-бирини менсимаслиги, бир-бири билан қўпол муомалада бўлиши, қолаверса, улар ўртасидаги доимий келишмовчиликлар уларни кузатаётган боланинг руҳиятида нуқсонлар пайдо бўлишига олиб келади ва фикр-мулоҳазаларини билдиришда қўрқиш, ҳадиксираш аломатларини вужудга келтиради. Натижада, бундай оилаларда ўз келажагига ишонмайдиган, бирор қарор қабул қилишда иккиланувчи, эркин фикрлашдан маҳрум ўғил-қизлар вояга етади.

Ўзининг ички имкониятларини рўёбга чиқариши учун бола, аввало, ўзига ишониши керак. Агар аксинча бўлса, атрофдагилар ҳам бундай боланинг келажагига гумон билан қарайди. Оқибатда жисмоний соғлом фарзандлар ҳам руҳий озор топадилар.

Яна бир гап. Кундалик турмушда болаларнинг ҳар бир муваффақиятини рағбатлантириб туриш катта аҳамиятга эга. Агар ота-оналар фарзандларига ҳадеб танбеҳ бераверишса, уларнинг руҳий ҳолатига шикаст етиши мумкин. Шундай экан, боғбон ёш ниҳолни меҳр билан парваришлаганидек, ота-оналар ҳам фарзандлари эришаётган кичик ютуқларни-да катта билиб, уларни олқишлашлари, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари лозим. Бу рағбат эса болаларнинг ўз олдиларига қўйган мақсадлари томон янада дадилроқ қадам ташлашларига ёрдам беради.

Феруза АЛИҚУЛОВА,
Тошкент давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейининг 3-курс ўқувчиси

БИЛИМ ИНСОННИ КАМОЛОТГА ЕТАКЛАЙДИ

Халқимиз тарихида жаҳон тамаддунига у ёки бу соҳада муносиб ҳисса қўшгани боис улуғлар тан олган кўплаб алломалар яшаб ўтган. Улар миллатимиз ва маънавиятимизнинг қудратли илдизларидир. Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби буюк алломаларнинг дунё олимлари рўйхатида эътироф этилишининг ўзи бизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлайди.

Оққан дарё оқаверади, дейишган донолар. Шундай сиймоларни етиштирган халқ бундан кейин ҳам ўзининг юксак салоҳиятини дунёга намоён этишига шубҳа йўқ. Биз ҳамиша ҳақли равишда фахрланадиган ана шундай улуғ ватандошларимиздан бири Маҳмуд Замахшарийдир.

Муҳтарам Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида бу нодир сиймо тўғрисида юксак эҳтиром ила мана бундай сўзларни айтган: "Ўрта асрларда Хоразм диёридан олис Арабистонга бориб, араб тили грамматикасини мукаммал тарзда ишлаб чиққан, илм-фаннинг бошқа кўплаб соҳаларида ҳам шуҳрат қозонган Маҳмуд Замахшарий бобомизни эслайлик. Ўзининг жисмоний ногиронлигига қарамай, дунёнинг кўплаб мамлакатларига машаққатли сафарлар қилган, теран билими ва илмий салоҳияти билан бутун ислом оламини лол қолдирган бу зот, ҳеч шубҳасиз, халқимиз учун маънавий етуклик тимсоли бўлиб қолаверади".

Маҳмуд Замахшарий тўғрисида Шарқда ва Ғарбда анчамунча тадқиқотлар яратилган. Бизда эса фақат истиқлол даврида ҳамда "Тарихий хотирасиз — келажак йўқ" деган ҳаётбахш таълимотни илгари сурган Президентимизнинг жасорати ва ташаббуси туфайли буюк сиймоларимизнинг фаолияти ва меросига қизиқиш билан қараш бошланди. Жумладан, ҳозирги атоқли олимларимиз Алибек Рустамов, Убайдулло Уватов, Зоҳиджон Исломов ва бошқалар Маҳмуд Замахшарийнинг мероси, илмий хазинаси таҳлилига доир бирбиридан мазмундор тадқиқотларини халқимизга туҳфа этдилар. Шу кунларда китоб расталарида бу аллома ҳаёти ва меросига доир яна бир ажиб китоб пайдо бўлди. Ушбу китоб, аниқроғи, илмий-маърифий роман "Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси" деб аталган бўлиб, роман муаллифи халқимизнинг таниқли адабиётшунос олими, филология фанлари доктори, профессор Пирмат Шермуҳаммедовдир.Китобхонлар унинг Хоразм маликаси ёки соҳибқирон Амир Темурнинг келини Хонзода Бегим, буюк шоҳ ва аллома Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султон Бегим қисматларига бағишланган тарихий бадиаларни мутолаа қилишган. Робия Султон Бегим ҳақидаги қисса асосида кўп қисмли телефильм ҳам яратилиб, элга намойиш этилди.

Биз Пирмат Шермуҳаммедовнинг Маҳмуд Замахшарий тўғрисидаги навбатдаги асарини ушбу аллома тадқиқотчилигида янги қадам, десак, ўйлаймизки, муболаға бўлмайди. Бунинг биринчи далили шуки, шу пайтгача адабиётимизда ҳозиргача ҳеч бир адиб Маҳмуд Замахшарий тўғрисида бадиий асарга қўл урмаган. П.Шермуҳаммедов бунга журъат этди ва маърифий-бадиий асар яратди. Иккинчидан, асар муаллифи ўз китобида алломанинг ҳаёти тўғрисида шу пайтгача мавжуд китоблардагига нисбатан анча кенг кўламли, атрофлича маълумотларни муштарийларга тақдим этди. Қолаверса, асарда алломанинг бошидан кечмишлари — бетакрор воқеа-ҳодисалар, ҳаётий-тарихий манзаралар, Маҳмуд Замахшарийнинг қариндош-уруғлар, ёру биродарлар, шогирдлар, алломалар билан бевосита мулоқоти, суҳбатлари шаклида ҳар томонлама кўрсатилади. Бу лавҳалар ўқишли ва эсда қоларлидир.

Шак-шубҳасиз, китоб марказида буюк ва бетакрор аллома сиймоси тургани муаллифнинг доимо диққат-эътиборида. Пирмат Шермуҳаммедов алломанинг нодир илмий меросининг мазмун-моҳиятини ўқувчиларга етказишни бош мақсад этиб белгилаган. Ахир илмий асарлар, ўзига хос илмий изланишлар, илмий кашфиётлар Маҳмуд Замахшарийни Замахшарий қилган бош омил-да! Асар муаллифи бу борада кўп асарларни ўқиган, кўплаб маълумот, фикрлар ва қарашларни тўплаган. Ўзи англаган, ва идрок этган Замахшарийнинг илмий дунёсини адиб мазкур асари орқали китобхонларга тортиқ этади.

Биз роман саҳифаларида "Ал-муфассал", "Ал-кашшоф", "Муқадамату-л-адаб" ва бошқа бир қатор фундаментал асарларнинг туғилиш тарихи ва қимматли маънолари билан танишамиз. Бу — китобнинг ўқувчига берадиган маънавий бойлигидир.

Китоб сўнггида "Маҳмуд Замахшарий — жаҳон олимлари нигоҳида" сарлавҳаси остида

МУТОЛАА



берилган жаҳон илм-фан ва адабиёти намояндаларининг ажойиб фикрлари ҳам ўқувчига бой руҳий-маънавий озуқа беради. Улар Замахшарий сиймосига тутилган ўзига хос порлоқ кўзгудир.

Миллатимиз бағрида етишиб чиққан алломалар — абадул-абад фахримиздир. Аммо бу етарли эмас. Биз алломаларнинг қолдирган меросини, илмий, фалсафий, бадиий дунёсининг ички маънуми ва маъноларини ҳам билмоғимиз керак. Айниқса, ёш авлод кимнингдир номи билан фахрланишдан ташқари, нима учун фахрланаётганини ҳам билиши керак. Масалан, Замахшарий арабларга она тилининг грамматикасини тақдим этгани билан улар учун мангу эзозлидир. Шу билан бирга, Замахшарий кўп тилли Шарқ луғатини яратган. Унинг араб-форс-турк-мўғул тиллари луғатини яратиши учун Шарқнинг мана шу тилларини мукаммал эгаллаши зарур эди. Замахшарий худди шундай кўп тилни билган аллома эди. Мен бу маълумотни Пирмат Шермуҳаммедов китобидан олдим. Бу — аллома даҳосидан бир зарра.

Улуғ бобоколонларимизни яқиндан билишимиз учун бундай китоблар зарур. Билим эса инсонни фақат фазилатли қилади.

Михли САФАРОВ

ТРАФИК

ЭНГ ҚАБИҲ ЖИНОЯТ

Мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган изчил ислоҳотлар, аввало, инсон манфаати, унинг муносиб ҳаёт кечириши ва турмуш фаровонлигининг яхшиланишига қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга молиқдир.

Президентимизнинг " Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида қайд этилган ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурида аҳолининг бандлигини таъминлаш бўйича белгилаб олинган вазифалар, айниқса, мазкур шароитда ўз самарасини бермоқда. Чунки ушбу дастур янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш сингари энг муҳим масалаларга қаратилгани боис кўплаб янги иш ўринлари очилиб, ҳудудларда ишсизлик муаммоси ўз ечимини топмоқда.

Демак, мамлакатимизда ишлашга хоҳиши бўлганга ҳар доим иш топилади. Лекин "яқиннинг шўрвасидан узоқнинг қуйруғини афзал" билиб, ўзга юртлардан кўпроқ даромад топиш илинжида бўлганлар ана шундай содда одамларни "замонавий қуллик"ка солишга интилаётган кимсалар тузоғига тушиб қолмоқда.

Одам савдоси инсоннинг қадр-қимматини топтайдиган, унинг соғлиғи ва ҳаётига таҳдид соладиган трансмиллий жиноятдир. Инсониятни ушбу балодан ҳимоя қилиш мақсадида дунё бўйича турли қонунлар яратилган, тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бизнинг юртимизда ҳам мазкур жиноятга қарши курашиш мақсадида " Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда Президентимиз 2008 йил 8 июлда қабул қилган "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора- тадбирлари тўғрисида"ги қарор асосида ишлар йўлга қўйилган. Кенг кўламли тарғибот-ташвиқот, идораларо комиссиянинг саъй-ҳаракатлари натижасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар камайган бўлса-да, ҳамон ушбу жиноят қурбонига айланганларнинг учраб тургани кишини ташвишлантиради. Чунки айрим одамлар ҳали ҳам алданиб, ўзга юртларда хор-зор бўлмоқда.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суди биносида кўрилган бир жиноий иш ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Тошкентлик Қ.Ниязов таниши Д.Пайзиев ва судда шахси аниқланмаган фуқаролар билан уюшган жиноий гуруҳ тузиб инсоният учун энг қабиҳ жиноят — одам савдоси билан шуғулланишни ва шу орқали мўмай бойлик орттиришни ўйлаб режа тузади. Шундан кейин Қ.Ниязов ҳамшаҳарлари ичидан ишонувчан ва мўмай пул илинжида юрган одамларни излай бошлайди. Чунки унинг вазифаси айнан шундай одамларга ёлғон ваъдалар бериб, Сочидаги ҳамтовоқларининг олдига юбориш эди. Одам савдогари шу тариқа ўз фаолиятини бошлайди.

Х.Ҳакимов тинчгина "Бошпочтамт"да ҳайдовчи бўлиб ишлаб юрганди. Топгани рўзғорини тебратишга етиб турганди. Бир куни унинг машинасига Қ. Ниязов ўтириб бир манзилга олиб бориб қўйишини илтимос қилди. Йўл- йўлакай у ҳайдовчидан даромадини, топиш-тутишини суриштирди. Гап орасида Россия Федерациясининг Сочи шаҳридаги бир қурилиш фирмасида даромадли иш ва ўша фирмада танишлари борлигини, ишлаш истагида бўлганларни ўша ёққа юбориш қўлидан келишини айтиб ўтади.

Х. Ҳакимов унинг сўзларини охиригача эшитгач, ширин хаёлларга берилди. Дунёда шундай ҳимматли одамлар ҳам бор экан-да, ойлик маоши 600 – 1000 АҚШ доллари, ётоғи ва еб-ичиши текин бўлса... Яна бу инсон йўл пулини ўзим бераман, ишлаганингиздан кейин қайтарасиз, деб турса.

— Жон ака, яхшилигингизни ҳеч қачон унутмайман. Мени ўша танишларингизнинг олдига ишга юборинг, — деди у қатъий қарорга келгач.

Қ.Ниязов ўзи тўқиган ёлғон тўрига бу одамнинг бунчалик тез тушишини ўйламаган эди. Энди темирни қизиғида босиш керак. "Ундай бўлса менга паспортингизни тезроқ олиб келинг", — дейди у Х.Ҳакимовга.

Орадан саккиз кун ўтгач, Қ.Ниязов уни аэропорт орқали Сочи шаҳрига кузатади. Бу шаҳарда эса уни Қ.Ниязовнинг таниши Д.Пайзиев кутиб олади. Халқимизнинг "Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур" нақлининг мағзини чақмасдан, ёлғон ваъдаларга учиб,ўзининг қуллик занжирига бойланаётганини сезмаган Х.Ҳакимовнинг ҳаёти шу кундан бошлаб ғурбатга айланади.

Д.Пайзиев у билан бирга борганларнинг барчасидан паспортларини олиб қўйиб, "...ишлашга рухсатнома олиб берганимдан кейин ҳужжатларингни бераман", — дейди. Улар қурилиш фирмасига ишга жойлашганларидан сўнг ҳам, 1000 АҚШ долларини ишга жойлаштиргани ва 500 долларни самолётга чипта учун сарфлаганини айтиб, паспортларини қайтариб бермайди. Бу ҳам ҳали ҳолва экан.Улар қурилишда энг оғир юмушларни бажаради. 10 -12 соатлаб меҳнат қилади. Ниҳоятда ночор, ҳеч қандай шарт-шароити бўлмаган ётоқхоналарда яшашади. Берган овқатлари бемазалигидан одам еб бўлмайдиган даражада. Лекин Д.Пайзиев ётоқхона учун, овқат учун, солиққа, деб уларнинг иш ҳақидан ушлаб қолаверади.

— Маошимиз пул тарқатиш варақасида 15000 рубль кўрсатилган бўлса-да, — деди Х.Ҳакимов суддаги кўрсатмасида. — Лекин Д.Пайзиев бизга сигаретга деб 500-600 рубль пул берарди, холос. Биз фирма раҳбарига оз пул олаётганимиздан норози бўлиб мурожаат қилганимизда, у пулларимизни бригадир Д.Пайзиевга тўлиқ бераётганини айтди.

Орадан беш ой ўтгач Д.Пайзиев олиб борган одамларини қулдай ишлатиб, топган бор пулларини шилиб олгач, уларга паспортларини қайтариб беради ва ўзи қаёққадир ғойиб бўлади. Х.Ҳакимов эса шундан кейин фирмадан кетади ва уйига қайтишга пул топиш учун Сочида мардикорлик қилиб билетга пул йиғади ва бир амаллаб Тошкентга — уйига қайтиб келади.

Фирибгар Қ.Ниязов Х.Ҳакимовдан ташқари М.Абдукаримов, Н.Рустамов, Х.Гиёсов ва М.Абдураҳмоновларни ҳам алдов тузоғига илинтириб, Сочи шаҳрига юборади. У қулликка юборган ҳар бир одами учун Д.Пайзиевдан 50 АҚШ доллари ҳажмида мукофот олиб турарди.

Д.Пайзиев эса ушбу фуқароларнинг бошига итнинг кунини солади. Оқибатда бу инсонлар ҳам моддий, ҳам маънавий жабр кўриб машаққатлар билан уйларига қайтади. Алданган ва хўрланган бу жабрдийда инсонлар Тошкентда Д.Пайзиевни қидира бошлайди. Қидирув ишларидан натижа чиқмагандан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қилишади. Қидирув жараёнида Қ.Ниязов қўлга олинди ва жиноий қилмишлари учун суд олдида жавоб берди. У Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан айбдор деб топилди ҳамда қонуний жазосини олди.

Баҳром КОБИЛОВ,
Фазлиддин ОТАЕВ

ҲА-ЁТ

"ВИРТУАЛ СЕВГИ"НИНГ ЯКУНИ ҚАНДАЙ?

"Онамнинг боши қотган. Синглим севиб қолибди! Яна кимни денг?! Интернетда танишган бир йигитни. Онам зорланиб тушунтиришни бошласа синглим ўзини эшитмаганга олади. Ишқ-муҳаббат унинг кўзини кўр қилиб қўйганмиш. Ойим акамга айтиб интернет тармоғини уздириб қўйди. Синглим уззу-кун йиғлади... Онам раҳми келганидан яна интернетни улатиб берди"

Чиндан ҳам бугун қизлар ўз шаҳзодаларини кинолардагидек «елканли кема»лардан эмас, интернетдан излашга тушдилар. Бунга унча-мунча одам тушунмайдиган ном ҳам топилган: **виртуал танишув!** Келинг, аввало «виртуал» атамасига тўхталиб ўтайлик. «Виртуал» атамаси лотинча «virtualis» сўзидан олинган бўлиб, «муайян бир шароитларда содир бўладиган» ёки «рўй бериши кутилган жараён» деган маъноларни англатади.Бу соҳага оид адабиётларда қайд этилишича, виртуаллик турли техник воситалар ёрдамида атроф-муҳитнинг одатий усулдаги тасвирини сунъий ҳосил қилинадиган ахборотларга алмаштиришдир.

Маълумотларга қараганда, дунё бўйича интернетдан фойдаланувчилар сони 1 миллиард 734 миллион нафарга етибди. Виртуал хизматдан фойдаланувчиларнинг аксарияти ўсмирлар ҳисобланар экан. Маълумки, ўсмирлик шахснинг жисмоний ва руҳий ривожланишида ўзига хос давр ҳисобланади. Психологларнинг таъкидлашларича, виртуал оламда инсоннинг вақтни идрок қилиш тизими бузилиб, ижтимоий фаоллиги камаяди. Компьютер қаршисида вақт ўтганини сезмай қолишнинг асосий сабаби ҳам шунда. Бизнингча, бу ёшдаги ўсмирларни ота-оналари зийраклик билан кузатишлари, ғашига тегмаган ҳолда фойдали машғулотларга жалб этишлари тўғри бўлади.



Бугун олам ўзгарди, одамлар ўзгарди. Замоннинг зайли билан ҳатто совчилик ҳам интернет орқали олиб борилаяпти!.. Энди бировнинг уйи қидирилмайди. Аммо... ҳаётда баланд-паст, оқ-қора деган нисбатлар бўлгани каби интернетдаги совчиликнинг ҳам яхши ва ёмон томонлари бор. Аввало, «Интернетда танишув бахтли якун топадими?» деган саволга жавоб излаб бир қатор тенгдошларимизга мурожаат қилдик.

Абдулазиз Азимов, талаба: — Илгари достонларда ошиқ маъшуқасининг жамолини узуқда ёки сирли ойна орқали кўрарди. Ёрини излаб, тоғу адирларда юриб, қийналган Фарруҳнинг саргузаштларини мультфильмда кўрганмиз. Бу бизга афсонадек туюларди. Техниканинг тезкорлик билан тараққий этиши натижасида афсоналар ҳақиқатга айланди. Энди танишмоқчи бўлган инсон Антарктидада бўлса ҳам интернет ёрдамида бемалол мулоқот қилишга имкон туғилди. Танишиш билан танишишнинг ҳам фарқи бор, албатта. Кўпчилик тенгдошларимни кузатганимда, улар шунчаки эрмак учун интернет «чат»ларига кириб, ўз «жуфт»ларини излашади. Бундай танишув албатта, яхши натижаларни бермайди!

Элбек Жўраев, талаба: — Гапингизга қўшиламан. Бундай муносабатлар ҳар доим ҳам бахтли якун топмайди. Ҳозир тенгдошларимиз орасида чат орқали танишиш урфга кирган. Бекор қолдими, интернетга югуради. «Народ», «Чойхона», «Олой» каби бир-бириндан маънисиз чатларда бачкана суҳбат қуриб олтинга ҳам топилмайдиган вақтларини беҳуда ўтказишади. Аксарият қизлар эса ишонувчан. Шу сабабдан, вақтихушлик қилаётганларнинг тузоғига тушиб қолишади. Айниқса, чат орқали узатилган конвертлардаги жимжимадор, ўйноқи «дил изҳори»ни ҳақиқий деб ўйлашади.

Дилшод Каримов, талаба: — Менимча, интернет орқали севги изҳор қилиш бўлмаган гап. Интернетга кирган қизнинг ҳам, ўғил боланинг ҳам «...битта сиз билан гаплашаяпман» деганига ишониб бўлмайди. Интернетга вақт ўтказиш учун кираман. Қизлар билан танишаман. Реал ҳаётдан кўра, виртуал ҳаёт бошқача экан-да! Қизларни хоҳлаганча лақиллатиш мумкин...

Наргис Авазова, лицей ўқувчиси: — Синфдошим Лайло ҳам «йигит»и билан «чат»да танишганди. Йигитнинг гап-сўзларига «учиб» олти ой виртуал гаплашиб юрди. Кунларнинг бирида йигит чатда кўринмай қолди. Лайло компьютер олдидан кетмай сирли йигитга хат ёзаверди. Йигит эса интернетда қорасини кўрсатмади. Ҳатто электрон почтасини ҳам ўчириб ташлабди. Кунларнинг бирида йигит яна ўша электрон почтада пайдо бўлди. Дугонамнинг оғзи қулоғида. Йигит уни унутмаган эмиш. Бир куни улар юзма-юз учрашадиган бўлишди. Буни қарангки, учрашувдан кейин йигит дугонамга оиласи борлигини айтибди. Лайлонинг орзулари саробга айланди.

Нафиса Йўлдошева, лицей ўқувчиси: — Инсонни кўрмай, унинг характерини билмай туриб севиб қолганда ҳам ўша йигит ёки қиз бир-бирини кўрганларидан кейин фикрлари ўзгариши мумкин. Виртуал оламда танишганларнинг кўпчилиги бошқаларнинг суратини жойлаштириб, гўёки ўз суратини қўйгандек кўрсатишади. Оқибатда юзма-юз учрашгач, муносабатлар салбий томонга ўзгариб кетади. Бир танишим ҳам «йигит»и билан чатда танишган. Қиз бола қулоғи билан севади деганлари рост экан. Йигит билан икки йил чатда гаплашиб юргандан сўнг учрашишди. Бироқ бир-бирларини кўрганларидан кейин йигит дугонамга ёқмай қолди.

— Нега аввалроқ ўйламадинг? — десам: «Мени алдаб бошқа боланинг расмини жўнатган экан», — деди.

Дилабза Қаюмова, лицей ўқувчиси: — Ҳоламникига борганимда қизи бўлажак турмуш ўртоғи билан интернет орқали танишганини айтиб берганди. Поччам билан учрашувга чиқишгач, бир-бирларини ёқтириб қолишган. Яқинда тўйлари бўлди. Холаваччам ҳар гал бахтли ҳаёт кечиришаётганини тўлиб-тошиб гапиради. Демак, интернетда танишиб, бахтли ҳаёт кечираётганлар ҳам бор экан.

Ҳаёт тасодифларга тўла. Интернет орқали танишув кимгадир бахт ато этса, кимнидир зор қақшатаётганини ҳадеганда кўриб, эшитаяпмиз. Бироқ интернетда бир-бирига севги изҳор қилаётган пайтдаги бачкана манзаралар ғашимизни келтиради. Эсҳуши жойида бўлган одамлар ҳеч қачон асл мол ўрнига сохтасини харид қилмаганидек, интернет орқали танишув ҳам сохталик ва аслиятни фарқлай олмайдиганлар учун «яратилган бир қулайлик», холос. Уларнинг бу хатти-ҳаракатлари ишқ, муҳаббат, деб аталмиш пок туйғуларга путур етказмасмикан? Ахир, виртуал севги ўз номи билан виртуал-да!

Хулкар ФАРМОН қизи
журналист

СУРАТ ВА СИЙРАТ

Чизгиларда акс этган туйғулар

Севган образингни хаёлингда гавдалантирсанг, турсанг ҳам, ўтирсанг ҳам у ҳақда ўйласанг, бир кун келиб у тушингга ҳам кирар экан... Орадан беш аср ўтиб кетган бўлса ҳам, уни фақат рассомлар чизган суратлардагина кўрган бўлсанг ҳам...



Алишер Навоий Темур Саъдулланинг тушига кирганда, у шундай туйғулар оғушида эди. Бутун бир туркий дунё даҳосининг унга кўриниш берганини, очиғи, бировга айтгани истиҳола қилди. Навоий ким, сен ким, дейишларидан ийманди! Нокамтарлик бўлади, деб ўйлади ўзича. Тўғри, ҳазрат "бу гулшан саҳнида гул кўп, чаман кўп", деганлар. Ижод даргоҳи бир киши билан обод эмас, бунда ҳар бир гулнинг, ғунчанинг ҳатто ерга тушган уруғнинг ҳам ўз ўрни бор. Яхши ният билан қўлига мўйқалам олиб санъат боғига кирган мусаввирни ардоқлаш керак. Унга шароит яратиш керак. Агар Навоий Камолиддин Беҳзодга ҳомийлик қилмаганида, миниатюра оламида мактаб яратган мусаввирнинг юзага чиқиши амри маҳол эди.

Ҳазрат Навоийнинг мўйқалам соҳибига тушида жамол кўрсатиши унинг "Хамса" асосида деворга расмлар ишлашига туртки бўлди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Алишер Навоий номли Давлат адабиёт музейи залининг "Хамса" бўлимида туриб шу ҳақда ўйлардим. Менинг хаёлларимни ижодкорнинг сўзлари бойитарди.

— Рассомлик — оддий одамлар эътибор бермайдиган чизгиларни илғай олиш. Уларнинг замирига маъно, фикр юклаш санъати бўлса керак, — дейди у. — Шоирлар сўз билан, биз бўёқлар воситасида дардимизни баён этамиз. Мен Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳий, Чингиз Аҳмаров асарларини назарда тутаяпман. Улар миниатюра санъатини юксак чўққиларга кўтардилар. Кимлар учундир оддий чизиқ бўлиб туюлган чизгиларга улар катта-катта маъноларни жойлаштирдилар. Чизиш учун эмас, чизганни тушуниш учун билим, кенг дунёқараш, тарихни тушуниш зарур.

Жаҳон санъати даҳолари булоғидан сув ичган, қарийб 45 йилдан бери расм чизаётган Темур Саъдулла бу сўзларни ўз ижодининг моҳиятидан келиб чиқиб айтаётганини сезиб турардим. Унинг Алишер Навоийнинг "Хамса"сидаги беш достон манзараларини деворда акс эттирган тасвирларини кўриб, рассомлик Яратган томонидан ато этилган буюк неъмат эканига яна бир бор имон келтирдим. Руҳим софланди, шундай аждодларнинг авлоди эканимдан фахрландим.

Шоҳ Машраб "..дилда дардинг бўлмаса, дил дафтаримни кавлама", деб лутф қилган. Темур Саъдулланинг "дил дафтарини кавлаб" унинг аждодларимиз санъатига бежиз ошуфта бўлмаганига ишонч ҳосил қилдим. Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети) бадиий графика факультетини тугатган ёш мусаввирни 1970 йилда Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров Самарқанддаги "Юлдуз" саройини безашда иштирок этишга таклиф қилади. Таклифни жон деб қабул этган Темур бўш пайтлари Самарқанднинг осори атиқаларини кўришга ошиқади. Халқнинг маданий меросига аҳамият бермаган шўролар салтанати даврида нураб бораётган обидаларимизнинг тақдирига ачинарди.

Мустақиллик қўлга киритилгач, Юртбошимиз аждодларимизнинг маънавий меросини биз бахтиёр авлодга қайтарди. Қайта таъмирлаш туфайли гарди ва дарди ювилган нилий гумбазлар яна қуёш нурида товлана бошлади. Ҳозир Самарқанд шаҳрида, борингки, бутун юртимизда таъмирланмаган, асл ҳолига келтирилмаган бирорта осори атиқа қолмаганини кўриб, кўзлари қувнаётган битта ўзи эмаслигини ўйлаганда, Темур Саъдулланинг бугунги ҳаётимизга меҳри янада жўш уради.

Аждодлар ишига садоқат, устозлар бошлаган хайрли ишларни давом эттириш Темур Саъдуллага обрў-эътибор келтирди. У Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейининг бош рассоми, 2000 йилда "Йилнинг энг яхши рассоми" номинациясида ғолиб чиққан. 2008 йилда эса Ўзбекистон Бадиий академиясининг кумуш медалига муносиб топилди. Бу Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида туғилган оддий ўзбек йигитига тақдирнинг катта марҳаматидир.

— Ижодкор асар яратаётганда образнинг маънавий дунёсига таяниб иш кўради, — дейди рассом. — Бу нарсалар Навоий ва унинг замондошларида ҳоҳлаганча топилади.

Рассомнинг сўзларини тинглар экансан, ўйлаб қолласан киши. Чиндан Навоий бобомизнинг ҳар бир хислати кўзимизга тўтиё қилгулик! Ул зоти шариф маълум муддат Самарқанд шаҳрида Абуллайс Самарқандий ҳазратлари қўлида таҳсил кўрган. Самарқандда унинг олижаноблиги, камтарлиги билан боғлиқ кўплаб маълумотлар сақланади.

Бутун бойлигини бева-бечораларга тақсимлаган, халқнинг корига ярайдиган иншоотлар қурдирган, устозларини бошига кўтарган ҳазрат Навоий камтарлик билан Дарвешалига ёзган номасида:

...Агар Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл! — дея ўзини янада камтарликка ундайди.

Шундай улуғ аждодимизнинг ички дунёсини очиб берадиган асарлар яратаётганлар орасида Темур Саъдулла ҳам бор. Мен рассомнинг яқинда яратган "Камолиддин Беҳзод шогирдлари билан" деб номланувчи асарини кўриб, ижодкорнинг янги қирралари очилаётганини сездим. Ҳали бўёғи қуримаган асарда аждодлар ва авлодлар асосий мавзу қилиб олинган. Бу мавзу мангу қолади. Чунки аждоднинг барҳаёт бўлиши учун унга муносиб авлод шаклланиши керак. Рассом асарида мана шу туйғу бор. Қолаверса, Темурнинг ўзи Беҳзодга муносиб шогирд, унинг ишларини давом эттирувчи.

Бу йил — Баркамол авлод йили! Темур Саъдулланинг ижодида ҳам ёшлар мавзуси етакчи роль ўйнайди. Темур Саъдулла Бадиий академияда ёш рассомларнинг ишларини кўриб, бу соҳа ишончли қўлларда эканидан қувончини яшира олмайди.

Темур Саъдулланинг шогирдлари бисёр. Биттаси — ғаллароллик Мусурмон Тошбеков. Уни кўрса қувонади, мўйқалам ушлашни билади, деб ҳазиллашади. Яна бири — ўғли Жаҳонгир. "Хамса" полотносини яратишда қатнашган. Айни пайтда мустақил асарлар яратмоқда. Энг кичик шогирди — Жавоҳир ҳали 6-синфда ўқийди.

Темур Саъдулланинг кўпчилик асарларида достончилигимиз акс эттирилган. Айниқса, "Алпомиш ва Барчин" полотноси бунга яққол мисол бўлади. Пойга, кўпкари, улоқ мавзулари ҳам мусаввир яратган асарлар мундарижасини бойитиб турибди.

— Рассом битта асар яратади, уни минглаб одам келиб кўради, — дейди Темур Саъдулла. — Ҳар ким ўзига ёққанини олади. Биз навқирон авлоднинг тарбиясига масъул эканимизни унутмаслигимиз лозим.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Hurriyat» мухбири

МОЗИЙ

XI асрда Хоразм ўлкаси анча тинч ҳудуд бўлгани учун фан, маданият ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу даврда Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун (997-1009) саройга олим ва фозил кишиларни тўплаган. Бу даврда Хоразмда олим ва табиб Абу Саҳл Масиҳий, тарихчи ибн Мискавейх, буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний, Абу Наср ибн Ироқ Шарқда иккинчи Суқрот номини олган Абул-Хайр Хаммор, файласуф ва табиб Абу Али ибн Сино каби илм-фаннинг пешқадамлари йиғилган.

Ибн Сино ва Маъмун академияси

Араб тарихчиси ва географи Ёқут Ҳамавий ўзининг «Муъжал ул-булдон» («Мамлакатлар луғати») ва «Муъжаи ал-удабо» («Адиблар қомуси») асарида 60 дан зиёд олим ва адиблар рўйхатини келтиради. Кўриниб турибдики, бу даврда Хоразмда маданий-маърифий ишлар юксак тараққий этиб, олимларни жамлаган илмий уюшма вужудга келган.

Айрим манбаларга кўра, 1003 — 1005 йиллар оралиғида Бухородаги сиёсий беқарорликдан чарчаган Абу Али ибн Сино паноҳ истаб Хоразмга келади ва тўғри амир ҳузурига киради. Амир Али ибн Маъмун уни яхши қабул қилади ва етарли миқдорда маош белгилайди.

Ёзишмалар орқали ғойибона танишиб дўстлашган Беруний ҳам Абу Али ибн Синонинг Хоразмга келганидан ниҳоятда хурсанд эди. Икки буюк олимнинг ҳамаслак экани боис Гурганждаги мажлислар янада қизиқарли ўтади.

Бироқ улуғ ҳаким Хоразмда бутунлай қўним топмади. Ғазна ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни ўз таъсирига олишга интилади. Ғазнавий дастлаб Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмунни ўзига куёв қилиб олади. Кейинчалик 1011 йилда бўлган халқ қўзғолонида куёви ўлдирилгач, унинг қасдини олиш баҳонасида Хоразмни бутунлай истило қилади.

Ибн Сино Ғазна ҳукмдори ҳаракатларини олдиндан сезиб, Хоразмдан чиқиб кетади. Маҳмуд Ғазнавий Хоразм ҳукумдорига олимларини Ғазнага юборишни буюради. Кўпчилик алломалар Ғазнага бориб, у ерда илмий фаолиятини давом эттиради. Аммо ибн Сино буни истамайди ва Абу Саҳл Масиҳий билан 1011 йилда Хоразмни тарк этади.

Ҳукмдорларнинг ўзаро урушлари ҳамиша илм-фан, адабиёт, санъат, ишлаб чиқариш ривожига салбий таъсир кўрсатган. Эҳтимол, ўша пайтда Маъмун академияси олимлари тарқалиб кетмаганида, бундан-да кўпроқ илм-фан чўққилари эгалланган, инсоният ҳаётига кўплаб янгиликлар киритилган бўлармиди. Инсон қандай яшаб ўтиши кераклиги ҳақида Абу Али ибн Сино ўзининг «Ҳикмат булоқлари» рисоласида «Одамлар фақатгина ўзи учун яшамасдан, балки бошқалар — жамоат ҳамда унинг манфаати учун яшашга интилиши керак. Инсонда меҳнатга муҳаббат, яхши ахлоқий сифатлар ва ҳалоллик доим устун бўлиши керак», деб ёзган эди. Бу дурдона фикрлар бугун ҳам ўз қадр-қиммати ва аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ю.РАҲМОНОВА,
Урганч давлат университети ўқитувчиси,
тарих фанлари номзоди

МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН

"Азизам Жейн"

Лондондаги Миллий портрет галереясида бир китоб сақланади. Бу китоб — машҳур инглиз адибаси Жейн Остиннинг 1816 йил, ўлимидан бир йил аввал чоп этилган асари. Нашр муқовасига гўзал ва назокатли аёл тасвири туширилган бўлиб, тепасига французчада "L'aimable Jane", яъни "Азизам Жейн", деб ёзилган.

Агар Европа матбааси тарихига разм соладиган бўлсак, XVIII-XIX асрларда китобларда бериладиган портрет санъати кенг тарқалганининг гувоҳи бўламиз. Адибанинг биографлари фикрларига кўра, бу тасвир Жейн Остинникидир. Бу тасвир шунинг учун ҳам қадрлики, Жейн Остиннинг балоғатга етган пайтдаги бундан бошқа сурати йўқ. Адибанинг биргина сурати сақланган, у ҳам бўлса, опаси Кассандра томонидан чизилган расм бўлиб, унда ўн икки ёшли қизалоқ тасвирланган. Инглиз адабиёти шуҳратини кўкларга кўтарган, ижодидан Вальтер Скотт, Шеридан, Виржиния Вульф каби машҳур адиблар ҳайратда қолган Жейн Остиннинг сурати қолмаганлигини адибанинг камсуқум табиатидан излаш керак бўлади.

Ўзбек китобхонлари ҳанузгача Жейн Остин ижоди билан ўз она тилларида танишган эмаслар. Аммо улар адибанинг инглиз романчилигининг алоҳида саҳифасини ташкил этган бетакрор "Ғурур ва хато" романи асосида экранлаштирилган фильми орқали ижодкорни биладилар (ўзбекча варианти "Ғурур ва андиша" деб номланган). Яна ўзбек кино мухлислари Американинг дунёга машҳур Голливуд киностудиясида Ҳиндистон кино ижодкорлари билан биргаликда ишланган, сюжети Жейн Остиннинг "Ғурур ва хато" романидан олиниб, ҳозирги замонга мослаштирилган, беш қизни турмушга бериш можароси кулгили ва самимий тарзда Жейн Остинчасига очиб берилган "Келин ва хурофот"фильмини ҳам томоша қилганлар.

Ажойиб психолог ва реалист ёзувчи Жейн Остин 1775 йилнинг 16 декабрида, ўз замондоши, инглиз мумтоз адиблари Уильям Вордсворт ва Вальтер Скоттдан беш йил кейин Стивентонда (Хэмпшир графлиги) дунёга келади. Отаси Жорж Остин кўҳна ва унча бой бўлмаган кент наслига мансуб эди. Жейннинг олти ака-укаси ва ундан уч ёш катта Кассандра исмли опаси бўлган. Кассандра билан унинг дўстлиги ҳар қандай эътибору таҳсинга лойиқ, опа-сингилнинг бир-бирига йўллаган мактублари адабиётда алоҳида "мактуб жанри"ни яратди. Ана шу мактубларда аёл қалби туғёнлари, ижодкорлиги, нафосати акс этади. Бу мактубларда адабиёт талаб этган композиция, ечим, уйғунлик бор, муҳими, инсон кўнгли, дарди бор. Жейн ўз ижодий режалари, фикрларини опаси Кассандрага ишониб айта олади. Афсуски, Кассандра ўлими олдидан биографларнинг олижаноблиги ва ҳалоллигига шубҳа қилиб, хатларнинг кўпини йўқ қилиб юборади. Жейннинг оиласида ҳамжиҳатлик, аҳиллик ҳукм сурарди, унинг ака-укалари ҳам адиба ҳаётида катта ўрин тутган. Уларнинг оиласида китоб ўқиш расм эди. Оила аъзолари меҳмонхонадаги камин атрофида тўп бўлишиб, китоб ўқирдилар. Аксарият улар салмоқли ва жиддий, тарбиявий китобларни — Сэмюэль Жонсон, Голдсмитнинг "Англия тарихи"ни ўқирдилар. Ўзўзидан равшанки, бундай оилавий мутолаа ёш адибага таъсир этмай қолмайди. Унга романнавислар Ричардсон, Филдинг, Стерн, шоирлардан – Каупер, Поуп, Грей, Крабб ёқарди. Табиатан зукко ва ҳазилкаш, бокира Жейн шоир Крабб ҳақида кулиб, "Таассуфки, мен турмушга чиқишим мумкин бўлган ягона одам эди", — деб ҳазиллашарди. Унинг ана шу зукколиги, киноясии, ҳазилкашлиги асарларида акс этади, шу жиҳати билан мухлисларини ром этади. Жейн Вальтер Скотт ижодига чуқур эҳтиром билан ёндашади. Вальтер Скотт уста романнавис сифатида адибани ром этади. "Вальтер Скотт қандай қилиб бундай ажойиб романлар ярата олади?" — деб ёзади у опаси Кассандрага.

Жейн Остин ижодини жуда эрта бошлайди. Адиба ҳаётлигида тўртта романи – "Ақл ва ҳиссиёт" (1811), "Ғурур ва хато" (1813), "Мэнсфивд Парк" (1814) ва "Эмма" (1816) чоп этилади. Ўлимидан сўнг, 1818 йилда эса унинг "Нортенгер аббатлиги" ва "Ишонч" романлари нашр қилинади. Ёзувчи ижодининг гавҳар шодаси ҳисобланмиш "Ғурур ва хато" романини Жейн Остин ёза бошлаганида ҳали йигирма бир ёшга ҳам чиқмаган эди. Асар марказида жамиятнинг турли табақаларига мансуб икки инсон – Элизабет Баннет ва мистер Дарси туради. Роман сюжети сабаблари наслий ва мулкий муносабатлар пардасига яширинган икки ёқлама "ғурур ва янглиш фикр" асосига қурилади. Элизабет Дарсига нисбатан камбағалроқ бўлади. Элизабет табақаси жиҳатидан ҳам, жамиятда тутган мавқеи жиҳатидан ҳам Дарсидан пастроқ. Яна у ўз камбағаллигидан ва оиласидагилар, айниқса, қизларини яхши жойга турмушга бериш истагида югуриб-елган онасининг ғаройиб қилиқларидан азоб чекади. Элизабет Дарси тўғрисида янглиш фикрда бўлади. Лекин Дарсининг қизга йўллаган мактуби Элизабетни тўғри хулоса чиқаришга ундайди. Шундан бошлаб ёлғон, янглиш фикр ортга сурилади. Уйкхем сабаб синглиси Лидиянинг алданиши, Дарси туфайли қизнинг пок номи оқланиши, йигитнинг мардлиги Элизабетнинг ўз ғурурини енгиб, янглишганлиги, хатосини тан олишга ундайди. Дарси ҳам роман бошланишида "ғурур ва янглиш фикр"дан изтироб чекади. Бу ғурур фақатгина йигит табақасига оид бўлмай, балки унинг атрофини ўраб турган жамиятдан устунлигини англаб етган, ақлли, ўқимишли ва эркин одамнинг ориятн, ғуруридир. Роман сўнгида у ҳам Элизабет каби ёлғон тамойил ва қоидалардан озод бўлади, уларданбаланд туриб, ўзи севган қизнинг муҳаббатига сазовор бўлади.

Ўз даврининг қизи бўлган ва катта ижодкор Жейн Остин романни маърифий жиҳатдан аниқ ва уйғунликда қура олади. Воқеалар симметрик тарзда асосий композицион йўлнинг такрорланиши билан кечади (Элизабет ва Дарси – ғурур; Элизабет ва Дарси – адашиш; Элизабет ва Дарси – янглишув; Элизабет ва Дарси - ўз хатоларини англаш; Элизабет ва Дарси — асл ва беғубор туйғулар тантанаси).

Маиший турмушни моҳирона чиза олиши билан жамиятни, асл ҳаётни ҳаққоний кўрсатиб бера олган Жейн Остин ўз асарини маишийликдан олиб чиқади ва реализм даражасига чиқара олади. Айтиш мумкинки, Жейн Остин том маънода, аёл қалбини, унинг кечинмаларини моҳирона чиза олган салоҳиятли ижодкордир. Асарлари муҳаббат, висол, бахт тантанаси билан якунланган Жейн Остин ҳаётда турмуш курмайди. Унинг армонли муҳаббати ҳақида асарлар яратилади, афсоналар тўқилади. Ёшлигидан қувноқ, ёқимтой бўлган, балларни, рақсларни, уйда спектакллар қўйишни, уларда роль ижро этишни яхши кўрган ҳаётсевар, сарвқомат, қўнғир сочли Жейн Остиннинг табиати асарларига кўчади. Қизнинг жўшқин ижодкор қалби адиба Жейн Остин романлари саҳифаларидан жой олади. Жейннинг жияни ва биринчи биографи Ж.Э.Остин-Ли ёзувчи аммаси ҳақида китоб ёзади. Юқорида биз Жейн Остиннинг зукколиги асарларида акс этганини айтдик. Шунингдек, унинг ҳаққонийлиги ҳам ижодига қўл келди. Адиба аёвсиз киноя, пичинг билан ўзи мансуб бўлган, туйғу ва фикру ҳиссиётлар моддий ва табақа манфаатларига тўла бўйсунадиган жамиятни тасвирлаб бера олди. Адибанинг замондошлари у тасвирлаган образларнинг сатирик ўткирлигини ҳис қилди ва буни тўғри қабул қила олди. Жейн Остиннинг услуби қисқа, лўнда ва жонли. У бир зумда китобхонни ўзига ром қила олади. Бунга ижодкор осонликча эришмаган. Адиба романларини синчковлик билан таҳрир қилаверган, таҳрир қилаверган. Ўзи ёзганидай, "Мен барини олиб ташлайвераман, қисқартираверамман..." Мумтоз инглиз ёзувчиси Вальтер Скотт ҳам ўз даврида унинг ижодига бежиз муносиб баҳо бермаган. 1816 йилнинг март ойида ёзувчи "Куотерли ревью" журналида Жейн Остин ижодига бағишлаб мақола ёзади, унда, жумладан, шундай дейди: "Инсоний муносабатларни ўта одоб-назокат билан англаб етиш, шундай назокат билан характер яратиш, буларнинг бари фламанд маҳорат мактабининг афзалликларини ёдимизга солади".

Жейн Остин пойтахтдан йироқда, табиат қўйнида яшади, ижод қилди. У 1817 йилда дунёдан ўтди. Жейн Остин ўлимидан кейингина кенг шуҳрат қозонди. Айтиш мумкинки, XX аср адиба номини кўкларга кўтарди. Адабиёт мухлислари, санъатнинг бошқа жанрлари ижодкорлари унинг асарларига қайта-қайта мурожаат қилди. Фикримизга Жейн Остин романларининг қайта-қайта экранлаштирилиши далил бўла олади. Адиба асарлари ўз она тилида ҳам, жаҳоннинг бошқа тилларида ҳам кўп нашр қилинган ва қилинмоқда. Ҳақиқий асар давр ва масофа билмайди. Чунки Жейн Остин асарларида ҳамиша барҳаёт ва сертуғён инсон қалби, унинг кечинмалари яшайди. Машҳур инглиз ёзувчиси Сомерсет Моэм ўзининг жаҳон адабиёти дурдоналарига бағишланган "Ўнта муаллиф ва уларнинг романлари" китобидан алоҳида бобни Жейн Остинга, унинг "Ғурур ва хато" романига ажратади. Бу роман "Том Жонс", "Қизил ва қора" "Горио ота", "Дэвид Копперфилд", "Мадам Бовари", "Моби Дик", "Яшин урган довон", "Ака-ука Карамазовлар" ва "Уруш ва тинчлик" романлари қаторидан фахрли ўрин олган.

Маъсума АҲМЕДОВА

МУНОСАБАТ

Инсон қадри ёхуд кўнгил оғриғи

Шундай давр келдики, мутолаа вақти камайиб, экран томошаси дамлари ортиб бормоқда. Телеэкран орқали намойиш этилаётган қўшиқ ёки фильм томошабиннинг сарфлаган вақтига арзиса-ку, майли... Бироқ фильмлардаги бачкана сўзлар, юзаки образлар талқини, катта актёрларимизнинг ҳам кўнгилни чўктирадиган даражадаги ижроларини кўриб, вақтинг бекор кетганига ачинасан киши. Қандай баҳо беришга эса ҳайронсан. Айниқса, рекламаси телеэкрандан тушмаган "Фериде", "Йигитлар", "Амаки ваччалар" каби фильмлар томошабинга нима берди экан, деган саволга ҳанузгача жавоб тополмадим. Яна бир карра амин бўлдимки, яхши маҳсулот рекламага муҳтож эмас экан. Бунга Ҳотам Файзиевнинг "Кичкина одамлар" кинокартинасини кўргач, ишонч ҳосил қилдим.

Бир соату йигирма дақиқа давом этадиган уч новеллада инсон қадр-қиммати, кўнгил кечинмалари ҳақида ҳикоя қилинмайди, балки инсон қадрининг ўзи (ҳеч қандай тушунтиришларсиз) бутун бўй-басти, оғриқлари билан кўз ўнгингизда намоён бўлади.

Биринчи новеллада Алишер Узоқов пулнинг қулига айланган, отасининг ўлимига ҳам сабабчи бўлган муттаҳам образида гавдаланади. Пўлат Саидқосимовнинг ота образи ҳеч бир томошабинни ўйлантирмай қўймайди. Пул топиш илинжида шаҳарга кетган ўғли ҳолидан хабар олгани келади-ю, оғир вазиятга тушиб қолади. Ўғлининг ҳеч қандай хабарсиз уйланиб олгани, унинг ночор ҳаётини кўриб, келинининг алдангани ҳақидаги дийдиёларини эшитаркан, кўнглидан кечганлари кўзидан ёш бўлиб томчилайди. Бу унга оғир ботса ҳам, энди ҳеч нимани ўзгартиролмаслигини англаган отанинг кўз ёшларини на ўғли пайқайди, на келини бунга эътибор беради. Бу вазиятда бошқа биров ўғлига дакки берган, ҳатто тарсаки тортиб юборган бўларди. Бош қаҳрамондаги босиқлик, мулоҳазакорликни у қишлоққа қайтгач, хотинига ҳам лом-мим демагани, бир марта ҳам сўрамаган ўғлининг онасини жуда соғингани тўғрисидаги саломларини етказганида ҳам гувоҳи бўламиз. Қўлига арқон олган отанинг уйида эртаси куни тумонат одам...

Назаримизда, режиссёр "кичкина одам"нинг ғурури шунчалар катта эканлигини унинг ўлими орқали етказмоқчи бўлган. Чуқур психологик ҳолатларга бой, юксак ҳис-туйғуларни бўрттиришларсиз, тушунтиришларсиз етказа олгани режиссёр маҳоратининг маҳсули бўлса, моҳирона ижро эса актёрларнинг тўғри танланганидан далолат.

"Кичкина одамнинг катта таниши" новелласи инсон қадри, унинг бугунги кундаги заволи ёхуд лаганбардорликнинг оқибатлари қандай бўлишини кўрсатиш ғоясини илгари сурган. Киноасар "кичкина одамлар"нинг шаҳарга—"катта одам"нинг тўйига келиш "тараддуд"лари воқеаларини тасвирлаган. Қишлоқнинг обрўли кишилари қатори муаллим ҳам таклиф этилади. Шу муносабат билан қишлоқ аҳли унга Ҳолибойга етказиб қўйиши учун "Илтимоснома"ни топширади. Эвазига эса 1000-2000 сўм тўёна ҳам беришади. Жумладан, қўшни холанинг "Ҳолибойга айт, мени набираларимни ишга жойлаб қўйсин. Унга нима битта "телефон" қилса бўлди. Эсласа керак, гўдаклигида кинна солиб қўйганман, шундан кейин отдай бўлиб кетган. Мана ол, яна тўёна бермабди деб юрмасин" деганча дастрўмолидан 2 минг сўм чиқариб беради. Муаллим ҳайрон бўлиб, "Нима мен бунга хўрозқанд олиб бораманми?" тарзидаги мулоқотда қишлоқ одамларининг соддаликларини кўрсатмоқчи бўлгандай. Шу каби кадрлар томошабинни ўйлашга мажбур қилади. Бироқ бундай ҳаракатлар лаганбардорлик, мутеликни ўзига муносиб кўрган инсонларга хос эмасмикин?

Асарда қаҳрамон руҳияти, лирик кечинмалар борича, зиддиятлари билан томошабин эътиборига ҳавола этилган. Унга биз киноасар қаҳрамонига ҳамдард бўлганча, инсон қадр-қимматининг мунгли қўшиғини тинглайсиз. Бу қўшиқда муаллим ролини ижро этган актёр Диас Раҳматов қалби қалқиб чиққан десам, муболаға бўлмайди.

Унда муаллим образи "кичкина одам" сифатида қадрланмаган, беписанд қаралган шахсни ифодалаганки, буни фильмдаги шогирди Ҳолибойнинг унга муносабати акс этган кадрларда кўришимиз мумкин: Ҳолибой тўхта, мен сени мактабда ўқитган ўқитувчингман. Сенга беришим керак бўлган омонатларим бор" деб машина ортидан югураркан, бу ҳолатга беписанд қараб, ҳайдовчига:"Тўхтатчи, ким экан? Ҳа, ичкарига олиб кириб бир коса ош бериб юборинглар" дея йўлида давом этади. "Катта одам" ёрдамчиларининг "Юринг, отахон ошга" деган мурожаатига қарата, "Мен эрталаб ош емайман, ҳазм қилолмайман" деганча йиғлаб юборади. Бу саҳна албатта, томошабинни беэътибор қолдирмайди.

Фильм бадиий тилининг бойлиги, руҳиятни ифода этадиган мажозлар қўлланилиши, актёрлар гуруҳининг ижроси, режиссёр танлаган ҳикоя, тасвир ва монтаж ишларининг бир-бирига уйғунлиги асосида бадиий фильмга айланган. Унинг ютуғи томошабинга нимадир бера олганида, яъни инсон қадр-қиммати, умр мазмуни, бойлик ва амалнинг "қудрати" каби тушунчалар ҳақида ўйлашга ундайди.

Киноасар камчиликлардан ҳам холи эмас. Жумладан, фильмни кузатиш жараёнида "кичкина" одамлар эмас, жамият учун, оила учун "ортиқча" одамлар ҳақида ҳикоя қилинаётгандек туюлади. Шунингдек, "кичкина" одамларнинг "илтимос"лари энди лаганбардорликни ва мутеликни хоҳлаганликлари тарзида томошабиннинг ғашини келтиради.

Фильмни кўргач шу хулосага келдимки, инсонни қадрлаш керак, сиғиниш эмас! Инсоннинг кўнглини оғритиш энг катта гуноҳ эканки, бу оғриқнинг давоси бўлмас экан. Мана шу оғриқку аслида, отанинг ҳам, муаллимнинг ҳам кўзига ёш келтирган. Инсон "катта"ми ёки "кичик", ҳар иккисида ҳам кўнгил бор. Кўнгилнинг эса катта-кичиги бўлмайди.

Фильм юзасидан билдирилган камчиликлар "Кичкина одамлар" фильмининг бадиий савиясини пасайтирмайди. Киноасар ўз томошабинларини топиши, шубҳасиз.

Севара АЛИЖОНОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

СПОРТ

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Теннис бўйича эркаклар ўртасидаги Дэвис кубоги мусобақасида қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоаси Осиё-Океания минтақаси I гуруҳидаги ўрнини сақлаб қолиш учун Жанубий Корея терма жамоаси вакиллари билан ўзаро куч синашди.

Осиёнинг кучли терма жамоалари иштирокидаги ушбу беллашувга Жанубий Корея мезбонлик қилди. Мусобақанинг биринчи куни яккаликлар ўртасида иккита учрашув ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг энг кучли теннисчиси Денис Истомин рақиби Лим Юнг Кюни 4:6, 6:1, 7:5, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Иккинчи баҳсда Фаррух Дўстов Юн Жун Ким билан рақобатлашди. Фаррух ҳам биринчи сетда рақибига 6:7 ҳисобида имкониятни бой берди. Лекин ҳужумкор ўйин кўрсатиб, қолган сетларда 7:5, 6:3, 6:3 ҳисобида зафар қучди.

Иккинчи кунги беллашувларда жуфтликлар куч синашди. Мурод Иноятов ва Денис Истомин дуэти рақиблари – Кю Тай Им ва Юн Жун Кимни 5:7, 6:3, 6:3,6:3 ҳисобида доғда қолдирди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон терма жамоаси рақиб майдонида ўтказилган баҳсда 4:1 ҳисобида зафар қучди ва Осиё-Океания минтақаси I гуруҳидаги ўрнини сақлаб қолди.

ҲАКАМЛАРГА БЕРИЛГАН БАҲО

ФИФАнинг ҳакамлар департаменти раҳбари Хосе Мария Гарсия-Аранда жорий йилги жаҳон чемпионатида иштирок этган ҳакамларнинг хатти-ҳаракатларига баҳо берди. Унинг сўзларига кўра, бу йилги референлар ўйинларни олдинги мусобақаларга қараганда анча яхши бошқарган. Учрашувлар пайтида ҳакамлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг 96 фоизи адолатли деб топилди. Бу ҳақда Associated Press ахборот тарқатган.

Ҳакамларнинг ҳаракатини баҳолаётган пайтда фақат уларнинг пенальти ва жарима тўпларини белгилаши, голларни инобатга олганлари ҳисобга олинган. Ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, рефериларнинг савияси анча ўсган. Аммо шунга қарамай, уларнинг хатти-ҳаракатларида қўпол хатолар ҳам учради. Масалан, жаҳон чемпионатининг гуруҳ босқичидаги учрашувлар қаторидан ўрин олган АҚШ ва Словения терма жамоалари ўртасидаги ўйинда америкаликларнинг голи ҳаққоний бўлса-да, ҳисобга олинмади. Бундан ташқари, бразилиялик футболчи Луиса Фабианонинг Котд'Ивуар терма жамоаси дарвозасига тўпни қўли билан ўйнаб, киритган голи инобатга олинди.

Шунингдек, ҳакамлар плей-офф босқичларида ҳам бир неча хатоларга йўл қўйишди. 1/8 финал доирасида Англия-Германия учрашувини бошқарган ҳакамлар жамоаси Фрэнк Лэмпард томонидан киритилган голни қайд этишмаган бўлса, мана шу босқичнинг яна бири, Аргентина — Мексика жамоалари учрашувида аргентиналикларнинг ўйиндан ташқари ҳолатда урган голи ҳисобга олинди.

Бундай камчилик ва хатоларни инобатга олиб, ФИФА кейинги жаҳон чемпионатидан бошлаб ҳакамлар тизимига ўзгартиришлар киритиш ҳақида ўйламоқда. 2014 йилда Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатидан бошлаб голларни ҳисобга оладиган электрон усуллардан фойдаланилади. Қолаверса, жаҳон футболи мутасаддилари ҳакамларга ўйинни дарвозалар ортида кузатиб борадиган яна икки рефери қўшишни режалаштирмоқда.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади

АҚЛ ЧАРХИ

Соҳибқирон даврида шахматнинг ривожланиши



Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темур ўз фикрини пешлаш учун муттасил 110 катакли шахмат тахтасида ўйнарди.

Амир Темур 1401 йили Шомни забт этганида дамашқлик олимлар, меъморлар, косиблар билан бирга Ибн Арабшоҳ исмли шахматчини ҳам Самарқандга олиб келганди. Амир Темур саройида Али Шатранжий тахаллуси билан танилган Ибн Арабшоҳ шахмат бўйича тенги йўқ ўйинчи ва зўр назариячи бўлган. У Темурнинг ҳимоясида шу ерда ўқиб олим бўлди, кўп ўлка ва мамлакатларга саёҳат қилиб, мактаб ва мадрасаларда билимини янада мустаҳкамлади.

Ибн Арабшоҳ 1389 йилнинг 5 ноябрида Дамашқда (Сурия) таваллуд топган. Амир Темур вафотидан кейин 1408 йилда олим Самарқанддан кетиб қолди. У Олтин Ўрда, Туркия, Арабистонда бўлди ва 1436 йили Мисрга келиб умрининг охиригача (1450 йил 25 август) ўша ерда истиқомат қилди. Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихидан» (1436 йил) китобида Соҳибқирон ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий маълумотлар, бой фактлар келтирилган.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темур ўз фикрини пешлаш учун муттасил 110 катакли шахмат тахтасида ўйнарди. Бу тахтанинг эни ўн бир хона, бўйи ўн хонадан иборат эди. Амир Темурнинг шахмат ўйнаши давлатнинг ақл фаросат билан бошқаришида, ҳар бир ишни тадбиркорлик билан юритишида, айниқса, жанг маҳалида кўп фойда берарди. Масалан, жанг пайтида қачон пиёдаларни, қачон сипоҳларни жангга тушириш кераклигини яхши биларди.

Амир Темур ўз салтанатига олимлардан мавлоно Абдумаликни ҳам олиб келган. Бурҳониддин Марғиноний авлодидан бўлган Мавлоно Абдумалик Самарқандда мударрислик қилар, шахмат ва нард ўйинларидан таълим берар ҳамда шеърлар машқ этарди.

Темур саройида донишманд олимлар, ўқитувчи домлалар ва шахмат зиёлиларидан Муҳаммад ибн Ақил Хаймий ва Зайнал Яздий, Ибнал Жалолиддин ва энг кичик шатранж устаси, донишманд олим Аловуддин Табризийлар бор эди. У Зайнал Яздийга ортиқча пиёда бериб қўяр ва ғолиб чиқарди. Ибн Аҳилни бир отни тахтадан олиб ташлаб енгарди. Бир куни Амир Темур Аловуддинга, «Мен гўё мулк сиёсатида ягона султонликни бошқармоқдаман. Сен ҳам шахмат оламида тенги йўқ шахматчисан», деган.

Мен 30 йилдан ортиқроқ вақт ичида шахматга оид 500 дан ортиқ китоб йиғдим. Шулардан энг ноёби поляк журналисти Ежи Гиницкининг «Шахмат асрлар оша дунё бўйлаб кезади» деб номланган китобидир. Журналист тарихий маълумотларни йиғиб, синчиклаб ўрганиб, шу китобни ёзиш учун 10 йилдан кўпроқ вақт сарфлаган. Бу асар дунёга кенг тарқалди. Китобдан V асрдан бошлаб, то XX асргача (суратлари ҳам бор) шахмат ўйнаган давлат арбоблари, саркардалар, шоиру ёзувчилар, рассомлар, кинорежиссёрлар, актёрлар ўрин олган. Айниқса, китобнинг 59-бетида буюк соҳибқирон Амир Темур икки нарса — «шатранж ўйнаш ва ов қилишнинг» мухлиси экани таъкидланган. Китоб 1958 йил Польшада, кейинчалик Венгрияда, 1964 йили Москвада чоп этилди. Китобнинг 191-бетида ёзилишича Амир Темур даврида шахмат ўйини санъат даражасида қадрланиб, алоҳида ажралиб турган ва уни яхши ўйнаганларни «санъаткор», «донимманд» деб эъзозлашган.

XVIII асрда яшаган машҳур рус шахматчиси К.А.Януш буюк соҳибқирон Амир Темурнинг бу борадаги фаолиятини ўқиб чиққач, шахмат тахтасида 10 юришда мот деган масалани (шахматда ўйлаб топилган янги усул, «масала» дейилади) ижод қилди.

Муаллиф 1850 йили ижод қилинган бу масалага «Темур қафаси» деб ном берди ва уни биринчи бўлиб Франция матбуоти босиб чиқарди. Масала бутун дунёдаги тарихчи олимлар ва шахмат мутахассислари эътиборини ўзига ром этган. Унинг асосий ғояси шундан иборатки, оқ доналар Темур қўшинларини, қоралар эса Боязид I қўшинларини билдиради. Оқлар дастлабки юришда ютади ва «Темур қафаси»нинг ғояси ғалаба билан якунланади.

Масалани мустақил ечсангиз (2 диаграммада) саркарда Амир Темурнинг оти кишт бериб, асирга тушган Боязидни қўйилмақом тарзда мот қилмоқда. Охирида К.Януш шундай сўзларни қўшимча қилади: «Боязиднинг қора фили, яъни шахсий соқчиси султон чекаётган изтироблар қаршисида ожиз, бор-йўғи бир гувоҳ бўлиб турибди». Масалани ечиб, лаззатлангандан сўнг буюк шахмат композиторига тасаннолар айтасиз.

Анвар ИНОҚОВ

ҚАТРА

Бахт сурури

Уйга кетиш олдидан новвойхонага кириб ўтдим. Иссиқ нонниг хуш бўйи атрофга ёйиларди. Қарасам, ичкарида ҳеч ким кўринмади. Овозимни бироз баландлаб:

— Ким бор? — дедим.

Шу пайт оқ халатининг у ер бу ерига куя тушган бўйдор йигит чиқиб келди:

— Келинг, синглим, нечта нон берай?

— Тўртта.

— Мана, ҳозир тандирдан узилди, иссиққина.

— Раҳмат, — дея пул узатаётиб бутун дунёимни остин-устун қилишга арзигулик чеҳрани кўрдим. Бир муддат қотиб қолдим ва ниҳоят, мен кўп йиллардан буён излаганим — муҳаббатимга лойиқ инсонни топганимга амин бўлдим. Унинг сиймоси, юзидаги машаққат терлари, ширин каломи, самимийлиги "Ишқ" дафтарим саҳифасига бирма-бир жойлана бошлади. Армонсизга айландим гўё. Энди менда ишқ бор! Барча кемтикликлар тўлди!

Фақат... Унинг ёнига қандай бораман? Қизлик ғуруримнинг занжирлари қўйиб юборармикан? Қадамларим у томон ошиқар, аммо унга қарамоққа кўзларимнинг журъати етадими? Яна... менинг ботинимдаги метиндан мустаҳкам, гулдан-да нозик ҳислар қўрғонини чилпарчин этган Ишқим соҳибининг суйгани бўлса-чи?

У ҳақда ҳеч нарса билмайман-ку! Аммо унинг яхши инсон экани аниқ. Унинг оқ кўнглининг тафти музлаган, ишқсиз юракларни-да эритишга қодир. Баъзан кимгадир севгинни илинсанг, бир сонияда айриликка дучор бўлишинг мумкин. Баъзида эса... биргина нозик сўзни не-не алтлардан қизғаниб юрганинг эвазига Оллоҳ ўзининг юксак мўъжизаси—боқий Ишқини тухфа этади.

Мен эса... Розиман, унинг висоли насиб этмаса ҳам, фақат уни севиб яшай. Чидайман, тақдирнинг айро йўллари азобига ҳам. Ёлғиз истагим: уни кўриб турсам, кифоя!..

Унинг харидори бўлиш насиб этган кундан бошлаб кунора новвойхонага қатнайман. "Нечта?", "Ҳозир тайёр бўлади", "Марҳамат" деган сўзлари қайсар дилимга дурдек туюлади. Ана шундай яшашга кўникиб қолдим.

Аммо дам олиш куни нон сотиб олиш, асосийси, суйганимнинг дийдорини кўриш илинжида новвойхонага кирсам, бир болакай ўтирган экан. Бу ернинг эгасини сўрасам, у:

— Дадамми? Ҳозиргина чиқиб кетдилар, — деб қолди!!!

Бу гапнинг таъсири аввал юракка, сўнг кўзга ёш бўлиб қуйилди. Хонумоним куйди. Дилимнинг туб-тубида асраб юрганларим бир сиқим кулга айланди гўё. Орзуларим сароб бўлди. Икки ой усизликда фақат нафас олдим, холос...

...Ўшанда кун чошгоҳдан ўтаётган эди. Дугонамнинг илтимосини ерда қолдирмаслик учунгина у билан таниш новвойхонага кирдим. Яна ўша болакай нон сотиб ўтирибди. У негадир дадасини чақириб қолди.

Умидсизларча музлаган вужудим билан уни охирги бор кўриш учун ичкарига назар ташладим. Во дариғ!!! Тилим лол... Йиғлоқи кўзларимга ишона олмай қолдим! Не кўз билан кўрайки, сочига оқ оралаган киши чиқиб кўлидаги дастурхонини супага ёя бошлади. Сал ўтмай, у, ўша менга бир дунё қувончу, бир олам изтироб ҳадя этган йигит қўлларида нон тўла саватни кўтариб келди!..

Ҳа, яна харидор бўлдим. Кўп ўтмай ундан юрагимга бир умрлик баҳорни тухфа этган сўзларни эшитдим: "Яхши қиз. Совчи кўйдим. Бир ошиқи нотавонга йўқ демассиз?!"

Маъмура ЁҚУБОВА,
талаба

ТАФАККУР

СЕНЕКА

ВАҚТ — АҚЛГА ЁРДАМЧИ

Фақат ақл-идрок осойишталикни таъминлай олади.

* * *

Озга қаноат қилган меъда кўп нарсадан озод бўлади.

* * *

Ҳар қандай пастқам ердан ҳам осмонга кўтарилиш мумкин.

* * *

Ҳеч нарса билмагандан кўра керагидан ортиқ билган афзалроқ.

* * *

Хафагарчиликдан қутулишнинг энг яхши йўли кечиришдир.

* * *

Донишманд кишини бойлик қуршаб олганида ҳар вақтдагидан кўпроқ қашшоқлик ҳақида ўйлайди.

* * *

Баъзи амалларнинг улуғворлиги уларнинг кўлами билан эмас, балки ўз вақтида бажарилгани билан белгиланади.

* * *

Ақл ожизлик қилган жойда кўпинча вақт ёрдам беради.

* * *

Баъзи ёзилмаган қонунлар ёзилганларидан кучлироқдир.

* * *

Янгилик инсонга улуғворликдан кўпроқ завқ бағишлайди.

* * *

Инсон ўзидаги истеъдодни амалда қўллаш орқалигина ҳис этиши мумкин.

Лобар РАҲИМЖОНОВА
тўплади

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда "Hurriyat" газетаси жамоаси Уюшма аъзоси, «Ozbekistcn ovozi» газетаси ходими **Юнус ЗИЁДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига, яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда "Hurriyat" газетаси жамоаси Уюшма аъзоси, «Нуроний» газетаси бош муҳаррири Темур Убайдуллаевга турмуш ўртоғи **Васидахон ЗАЙНУТДИНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига, яқинларига таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 2010 йил 28 июль куни чиқади.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@mail.ru

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-396-30-59
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.40

® — тижорат белгиси.

Адади: 10100 Буюртма — Г-626 123 5